

Ҳенрих Ҳейне

ГЕРМАНИЯ  
ҚИШ ЭРТАГИ

ДОСТОН

АБДУЛЛА ШЕР таржимаси

Тошкент  
Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1984



1797—1856

И (Нем.)  
X 41

Революцион романтизмнинг улуг намояндаларидан бири, гениал немис шоири Ҳенрих Ҳейне асарлари XIX аср жаҳон адабиёти дурдоналаридан ҳисобланади. Айниқса, унинг «Германия. Қиш эртаги» достони ҳар томонлама бебаҳодир. Таржимон ўзига хос услубий ранг-баранглик билан йўғрилган бу достонни ўзбекчага ағдаришда имкон борича аслият руҳини сақлаб қолишга интилган; айти пайтда, достоннинг рус тилидаги таржималаридан ҳам, шунингдек, таниқли ҳейнешунослар тадқиқотларидан ҳам фойдаланган.

Шояд бу китоб ўзбек шеърхони дидига муносиб совға бўлсал..

И (Нем.)

Г  $\frac{4703000000-111}{356(04)-84}$  62—84 © «ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти, 1984

© Avfay-Verlag Berlin und Weimar, 1971.

*ГЕРМАНИЯ*  
*ҚИШ ЭРТАГИ*



ДОСТОН





## СУЗ БОШИ

Бу дostonни ўтган йилнинг январь ойида ёздим, мисраларимга сингган Парижнинг эркин ҳавоси кўпчилик бандларни кескинлаштириб юборди. Шунинг учун ҳам мен немис об-ҳавосига тўғри келмайдиган барча ўринларни дарҳол юмшатиш ва олиб ташлашни унутмадим. Лекин, шунга қарамай, қўлёмани Ҳамбургдаги ноширимга жўнатганимда, у менга яна баъзи шубҳали ўринлар борлигини кўрсатди. Мен тагин бир бор машъум машғулотга қўл уришга, қўлёмани қайта ишлашга мажбур бўлдим ва ана шундагина жиддий бўёқлар хира тортди, ёҳуд қувноқ юмор жаранг-журунгига кўмилиб кетди. Ғазабкор сабрсизлик билан мен яна баъзи яланғоч фикрларнинг аврат япроқларини юлқиб олдим ва, эҳтимол, бунинг натижасида баъзи товуш етмас такаббур қулоқларни жароҳатладим. Бундан жуда афсусланаман, лекин менга ҳатто улкан ёзувчилар ҳам шундай «жиноят»нинг гуноҳкорлари бўлганлар-ку, деган фикр тасалли беради. Мен Аристофanni назарда тутмоқчи эмасман, чунки у гумроҳ мажусий эди ва унинг афиналик томошабинлари, гарчанд классик маълумот олган бўлсалар-да, ахлоқ билан ҳар донм ҳам ҳисоблашавермаганлар. Мен кўпроқ Сервантес ва Мольерга суянганим маъқул: уларнинг биринчиси ҳар иккала Кастилиянинг улур зотлари учун, иккинчиси эса — буюк қирол ва буюк Версаль саройи учун ёзган! Чамаси, мен буржуазия айна авжга чиққан замонда яшаётганимизни унутиб қўйяпман; афсус-надомат билан аввалдан сезиб турибманки, Шпрее ва ҳатто Альстер қирғоқларида жойлашган ўқиминшли табақаларнинг қизлари менинг шўрлик

мисраларимга қараб, у ёки-бу даражадаги қирғий бурунчаларини жийирадилар. Ҳукумат ёқтирмаган ҳамма нарсага ғазаб билан қаровчи, цензуранинг ҳурмат ва муҳаббатини қозонган, ўзларининг баъзи бир душманларига, айти замонда, олий ҳукмдорларининг ҳам рақиби бўлган кишиларга ҳужум қилиш ҳақида гап кетганда, газеталарга йўриқ берадиган риёкор миллатчиларнинг айюҳанносларини ҳам янада кучлироқ алам билан аввалдан сезиб турибман... Қора-қизғиш-тилларанг кийимдаги бу малайларнинг қаҳру ғазабига қарши ўлароқ бизнинг юрагимиз етарли сабр-бардошга эга. Уларнинг хириллаган овози қулоғимга келяпти: «Сен ҳатто бизнинг рангларимизни ҳақорат қиляпсан, ватан хоини, французпараст, сен эркин Рейни французларга беришни истайсан!»

Ҳовлиқманг! Агар рангларингиз ҳақиқатан ҳам ҳурматга сазовор бўлса, малайлар ва такасалтангларнинг эрмаги бўлишдан қутилса, мен ҳам уларни сўзсиз қадрлайман. Қора-қизғиш-тилларанг байроғингизни немис тафаккури чўққисига тикинг, уни озод башариятнинг туғига айлантинг, ана ўшанда мен уни деб юрагим қонини тўкаман.

Ҳовлиқманг! Мен Ватанни сизлардан кам севмайман. Шу севгим туфайли мен ўн уч йил қувғинда бўлдим, айти мана шу севгим туфайли оҳ-воҳ қилмасдан, изтиробдан юз бужмайтирмасдан яна, эҳтимол, бутун умрга, қувғин жойимга қайтмоқдаман. Мен французпарастман, барча оқил ва хушфеъл кишиларга дўст бўлганим каби, французларнинг ҳам дўстиман; мен у қадар нодон ёки ёвуз эмасманки, буюк халқлар сарварлари бўлмиш ўзимнинг немисим ёки французлар, ер куррасидаги барча юнкер ҳамда попларнинг бадхонияти деб, Англия ва Россия манфаати учун ўзларини ҳалок этишларини истасам.

Ҳовлиқманг! Мен ҳатто энг жўн — Рейн меники, деган сабаб билан ҳам уни французларга ҳеч қачон

бермайман. Ҳа, у дахлсиз туғилиш қонуниятига бинон ҳам меники—мен озод Рейн фарзандиман, лекин мен ундан кўра озодроқдирман; менинг беланчагим унинг соҳилида тебранган ва мен ҳеч қачон Рейнни ўз қирғоғидаги фарзандлариники эмас, балки ўзгаларники бўлиши керак, деб ҳисобламайман.

Эльзас ва Лотарингияни эса мен сизларга ўхшаб осонлик билан Германияга қўшиб қўёлмайман, зероки, бу мамлакатларнинг кишилари, буржуа қалбига жуда ёқадиган, лекин омма ошқозони учун эса ҳали кўп нарса бериши керак бўлган тенглик ва озодликлар қонуни туфайли Франция этагини маҳкам ушлаганлар. Тўғри, Эльзас ва Лотарингия яна Германияга қўшилади; лекин қачонки биз французлар бошлаган ишни сўнгига етказсак, тафаккурдагидек, ҳаракат борасида ҳам улардан ўтиб кетсак; қачонки, биз энг сўнгги хулосага келсак, ерда — инсон қалбида яшаётган худони хўрланишдан қутқарсак, уни озод қилсак, қачонки қашшоқ мазлум халққа, масхараланган даҳога, ҳақоратланган гўзалликка уларнинг аввалги улуғворлигини — устозлар айтган ва куйлаган, биз ёшлар хоҳлаган улуғворлигини қайтарсак, фақат ўшандагина орзу амалга ошади. Ҳа, унда нафақат Эльзас ва Лотарингия, балки бутун Франция, бутун Европа, бутун дунё бизники бўлади, бутун дунё немисники бўлади! О, мен эманлар тагида юриб, Германиянинг ана шундай мавқеи ва дунёвий ҳукмронлиги ҳақида кўп ўйлайман. Менинг ватанпарварлигим ана шунақа.

Шу яқинда ёзажак китобимда ўта қатъият, бениҳоя шафқатсизлик, ва албатта, бағоят инсоф билан бу мавзуга қайтаман. Мен ҳар қандай энг кескин ҳужумларни ҳам, агар улар самимий имон билан йўғрилган бўлса, ҳурмат билдириб қарши олман. Мен ёвуз душманликни ҳам сабр билан кечираман. Ҳатто подонликка ҳам, агар у чин юракдан айтилган бўлса, жавоб қайтараман. Аммо бутун сўзсиз нафратимни ватанпар-

варлик, ҳатто эзгулик — дин ёки ахлоқ ниқоби остида яшириниб, ўз жирканч ҳасади ёки нопок шахсий манфаати йўлида пок номимни бадном қилмоқчи бўлган принципсиз аянч кишиларга қаратаман. Баъзи учарлар адабий-сиёсий матбуотимизнинг анархик ҳолатидан менга қарши шундай устомонлик билан фойдаландиларки, мен ҳайратда қолдим. Аслини олганда, Шуфтурле ўлган эмас, у ҳали тирик, у неча йиллардирки, вақтли матбуотимизнинг Богема ўрмонларида қора ишларини бажараётган ва ҳар бир бута ортида ўтириб, ҳар бир япроқ ортига яшириниб, ўзларига муносиб атаманларининг ҳар бир ҳуштагига бўйсунатган адабий қароқчилар тўдасининг тепасида турибди.

Яна бир оғиз сўз. «Қиш эртаги» айна пайтда Хоффманн ва Кампе нашриётида чоп этилаётган «Янги шеърлар» китобини яқунлайди. Достоннинг ўзини китоб ҳолида нашр этишда ноширимга уни алоҳида кўриб чиқишлари учун ҳукумат назоратига тақдим этишга тўғри келди, янги вариантлар ва тушириб қолдирилган ўринлар ана шу юксак танқиднинг оқибатидир.

ХЕНРИХ ХЕЙНЕ

Ҳамбург,  
1844 йил, 17 сентябрь





## ПАРИЖ БИЛАН ХУШЛАШУВ

Хуш қол энди, хуш қол, эй Париж,  
Гўзал шаҳар, тенги кам пойтахт.  
Яйрар, яшнар — неки сенда бор,  
Бағрингда куй, тантана ҳар вақт!

Менинг немис юрагимда дард,  
Менга кўпдан таниш азоб бу.  
Шифо бергай фақат бир табиб,—  
Аммо уйда — шимол ёқда у.

Донг таратган билимдондир хўп,  
Даволагай тезу беқусур,  
Лекин, рости, ҳали дорисин  
Ичмасимдан кўнглим беҳузур.

Хуш қол, азиз француз халқи,  
Биродарлар, дўстларим, бу чоқ  
Телбанамо соғинчдан қочиб,  
Кетмоқдаман, қайтай деб тезроқ!

Хўрсинишсиз эслай олмайман  
Ҳозир ҳатто торф ҳидини ҳам,  
Люнебургнинг қўй-қўзилари,  
Ҳатто шолғом, барг ёзган карам,

Улкан бочка, пиво, тамаки  
Ва немисча кўполлик — барин —  
Қоровулу семиз амалдор  
Ё қирмиз юз кашиш қизларин.

Қўрмоқ ўйи кекса онамни,  
Рости, кўпдан энг ширин орзу.  
Ахир, бундан салкам ўн уч йил  
Аввал мени кузатганди у.

Хуш қол энди, рафиқам, сенга  
Англаш мушкул бу дардни, дилдор.  
Сени ёниб қучаман, аммо  
Айрилиқни қистайман ночор.

Қалб эзилар;— васлинг бахтидан,—  
Олий бахтдан қочаман бу дам:  
Германия нафасин туймоқ  
Ё соғинчда ўлмоқ — насибам.

Тенгсиз дардга айланди соғинч —  
Ҳаяжоним, ҳадик, ҳисларим.  
Яқин сезиб немис тупроғин,  
Сабри тугаб титрар тизларим.

Шифо топиб, лекин, Парижга  
Тез қайтгайман — комил имоним.  
Янги йилда бир дунё совға  
Келтиргайман сен учун, жоним.

---



I

Ноябрнинг руҳсиз, тунд чоғи,  
Осмон қавоқ уйган бир сана.  
Совуқ ёмғир остида кирдим  
Германия бағрига яна.

Чегарани кўрганим замон  
Вужудимда ширин, бир ўзга  
Титроқ турди,— нечун яширай,—  
Беихтиёр ёш қалқди кўзга.

Немисча сўз янгради ногоҳ,  
Мен тингладим тўлқинли ҳисда:  
Гўё юрак ажиб роҳатбахш  
Орзиқишдан эрирди аста.

Чилтор чалиб куйларди ёш қиз.  
Куйласа-да оҳангни бузиб,  
Товушида — бир илиқ туйғу;  
Кетолмадим кўнглимни узиб.

Қиз куйларди ишқ азобини,  
Қурбонларни, андуҳ, жафони,  
Ғамдан фориг у дунёдаги  
Бахтли висол, мангу вафони.

Қиз куйларди ердаги алам,  
Фоний бахту иқбол ҳақида.  
Беҳишдаги абадий ором —  
Аламларга завол ҳақида.

Тарки дунё қўшиғидир бу,  
Бу кўкдаги бахт афсонаси  
Аллалайди шўрлик авомни  
Дея улар нон сўрамасин.

Менга аён сўзу оҳанги,  
Тўқувчиси, бастакори ҳам:  
Улар сувни мақтаб қавм аро,  
Майни хуфя кўришар баҳам.

Биз-чи, дўстлар, ўзга бир қўшиқ,  
Янги қўшиқ бошлаймиз бугун;  
Ерни кўкка айлантирамиз,  
Жаннат бўлур замин биз учун.

Тирикликда керак бахт бизга,  
Етар энди кўз ёши, алам!  
Етар энди, мешдай қоринлар  
Қадоқ қўлдан кутмасин карам!

Ҳаммамизга етарлидир нон —  
Шонли базм тузайлик илк бор!  
Бизда гул бор, бордир ишқ, чирой,  
Хушхўр нўхат бўлгай зиравор.

Ҳаммамизга топилур нўхат,  
Арши аъло бизга керакмас,—  
Майли ҳурлар билан чумчуқлар  
Унда ҳукм сурсин басма-бас!

Улгач, қанот пайдо қилиб тез,  
Биз учгаймиз шунда у ёққа,  
Энг муқаддас кулчадан тишлаб,  
Пирожнийдан тотиб кўрмоққа.

Мана янги, энг яхши қўшиқ!  
Уни куйлар миллионлар хуррам!  
Унут бўлди аза оҳанги,  
Қабристондан қўпган фарёд ҳам!

Энди гўзал Европа билан  
Никоҳланди ёш Эрк даҳоси,—  
Бахтлиларни чорлар базмга  
Муҳаббатнинг шавқу сафоси.

Гарчи никоҳ попсиз ўтса-да,  
Биз қонуний санармиз бу дам!  
Шараф бўлсин келин-куёвга,  
Туғилажак фарзандларга ҳам!

Ҳа, бу қўшиқ никоҳ гимнидир,  
Бу — шоирнинг энг соз қўшиғи!  
Юрагимда чарақлар юлдуз,  
У. — буюк бир мақсад ошиғи.

Теграмда ҳам ёнар юлдузлар —  
Олов жилға оқади гўё.  
Сеҳрли куч гупирар танда,  
Қўпоргайман эманни ҳатто.

Немис ерин жонбахш шарбати  
Томиримга бир олов қўйди.  
Гўё Антей она-Заминга  
Оёқ тираб, янги куч туйди.

## II

Тоғли, рангин юртлар ҳақида  
Куйлар экан қизгина ҳамон,  
Божхонада ходимлар бу пайт  
Чамадоним кавларди обдон.

Исковучдай титкилашди хўп,  
Буюмларни отишиб ҳар ён.  
Қидирарди улар зарҳал тўр,  
Манъ китобу ёмбили ҳамён.

Бефаҳмлар, уринманг бекор  
Вақт кетказиб, юмушдан қолиб!  
Сиз қидирган хуфя нарсани  
Ўтмоқдаман бошимда олиб.

Брюсселнинг зарҳал тўридан  
Нозиқ, кескир — хавфдир у сизга:  
Ялтираши кўр қилиб, ниши —  
Санчилади юрагингизга.

Бошимдадир барча зар-зевар,  
Эртанги шон, зафарга гултож.  
Ҳали ҳеч ким билмаган даҳо,  
Янги илоҳ олмоси — ул тож.

Китоблар ҳам кўпдир бошимда,  
Инонинг, рост шоир сўзлари!  
Инидаги қушдек чуғурлар  
Унда шеърлар — таъқиббоп барн.

Ҳатто шайтон кутубхонаси  
Бундай ачкиқ масаллар билмас.  
Фаллерслебеннинг ўзи ҳам  
Хавфлиликда буларча бўлмас.

Ёнимдаги йўловчи менга  
Тушунтирмақ бўлди чамаси:  
«Қаршингизда йирик бирлашма —  
Прусс божхоналар уюшмаси».

Божхоналар уюшмаси, ҳа,  
Миллий ҳаёт гарови эрур.  
Парча-пурча бўлган ватанга  
У бирлигу яхлитлик берур.

Бизни сиртдан бирлаштирар у,  
Бўлур маблағ бирлиги деса.  
Бирлик билан руҳ ва фикрни  
Даволагай цензура эса.

Бундан буён бўлгаймиз бешак  
Ҳамфикру бир жону бир тан.  
Бирлик лозим Германияга  
Ҳам хусусан ва ҳам умуман.

### III

Аахенда, кўҳна жомеда  
Буюк Карл ётар бу нафас!  
(Уйламангки, бу Карл асло  
Швабларнинг Мейери эмас.)

Истамасдим жонсиз ҳоқондек  
Ётмоқни мен; бундай аҳволдан  
Штуккертда энг дидсиз шоир  
Бўлиб юриш дуруст ҳар ҳолда.

Аахенда итлар ҳам лоқайд,  
Фингшир бесас қидириб чора:  
«Эй ажнабий, тепиб ўт бизни,  
Бу лоқайдлик йўқолса зора!»

Мен шу ғариб, мудроқ гўшада  
Бир соатча тентиб хафақон,  
Кўрдим прусс сарбозларини:  
Эски ҳаммом, эски тос ҳамон.

Ўша-ўша кулранг ёмғирпўш,  
Ёқа — қизил, тиккайган, дағал.  
(«Қизил — рамзи француз қонин»,  
Деб куйларди Кёрнер у маҳал.)

Бефаҳм халқ, ўлгудек расмий!  
Ўша-ўша барча ҳаракат.  
Ғўдайганки, полиз қўрувчи  
Еғоч билан гўё ялакат.

Манекендек қадам ташлашар,  
Бари «таёқ илмин» улуғлар!

Ютганмикан ёки уставдан  
Таълим берган таёқни улар?!

Ҳа, ҳануз бор таёқ, фақат у  
Энди ичда — маънавий бойлик;  
Қадим «у»нинг самимий «сен»и  
Хотирабоп бир сўз—чиройлик.

Мўйловлар ҳам авлод-аждодга  
Ўхшагандек — кокилларга мос:  
Селкилласа елкада аввал,  
Энди бурун тагида холос.

Суворийлар уст-боши, лекин,  
Янгиликда мақтовбоп омад.  
Дубулғаси айниқса тенгсиз,  
Ўткир учи эса—аломат!

Рицарь руҳи бунда намоён,  
Ҳар қадамда улар романтик,  
Нақ Йоханнес Монфокон хоним  
Ва ё барон Фуке, Уланд, Тик.

Қаршингизда ўрта асрнинг  
Рицарлари гўё саф тизар,  
Улар қалбин шонга йўғириб,  
Кетларини герб билан безар!

Ёдингизга тушар турнирлар,  
Хонимларга тавозе, аҳдлар,  
Матбуотсиз художўй аср—  
Газетани билмаган вақтлар.

Менга ёқди, ҳа, бу дубулға,  
Унда аён буюк ғамхўрлик!  
Бирам учи ўткирки! Ахир,  
Қирол ўзи—тенгсиз ўткирлик!

Бу сурурдан чўчийман, лекин:  
Булут босса осмонни, тагин—



Бошингизда турган ўткирлик  
Тортмасайди ўзига чақин!

(Маслаҳатим: енгил бош кийим,  
Ахир, дўстлар, жанг деган гап бор;  
Ўрта аср дубулғасида  
Бу йўлларда қочмоқ, ахир, ор!)

Аахенда, почтахонанинг  
Пештоқига мен ташлаб назар,  
Таниш гербни кўрдим! Қора қуш  
Кўзи ундан нақ сочур заҳар.

Пасткаш махлуқ! Қўлга тушарсан,—  
Аямасман кучимни, инон,  
Тирноқ, патинг битталаб юлиб,  
Ёвуз бўйининг узарман шу он.

Сўнг осарман баланд ходага,  
Видолашув—бўлур зўр байрам.  
Эркин Рейн ўқчиларига  
Мен тузаман мусобақа ҳам.

Гултожу тож — қушни урганга  
Елга бермай камон ўқини:  
«Мерганларнинг қироли, яша!»,  
Деб қутлаймиз марш билан уни.

#### IV

Тун чўкканда кирдик Кёльнга.  
Шод тингладим Рейн сасини.  
Юзга уриб немис ҳавоси  
Каминанинг иштаҳасини —

Йўлга солди. Мен ихлос билан  
Ветчинадан тотиндим, афсус,  
Шўр эканки шундай ~~нондож~~  
Рейнвейн буюрдим ~~рехонз~~

Рейнвейн олтинланар хўп,  
Қадимгидек, кўкиш қадаҳда.  
Сал ошсами — урар мияга,  
Шаҳаншоҳсан туманли тахтда.

Қитиқларки димоқни шундай,  
Юрак завқдан эришга тайёр!  
Чорлар эди бўм-бўш тун қўйни,  
Шаҳар бўйлаб тентидим такрор.

Мен уйларнинг тош нигоҳида  
Айтилмаган хоҳиш илғадим.  
Сўйлагудек Кёльн нақлини  
Деворларки — қутлуғу қадим.

Чулғамишди Кёльнни бир пайт  
Роҳибларнинг имонсиз руҳи.  
Шунда эди Ҳуттен болаган  
Жаҳолатнинг нодон гуруҳи.

Бунда улар зикрга тушди  
Жазавада майишиб бели;  
Иғво ёзди разил чақимчи  
Ҳохстраатен — Кёльн Менцели.

Ёндирилди китобу одам  
Заковату ижод қасдида —  
Оятларнинг ҳиссиз сўзлари  
Ва ёввойи бонглар остида.

Жаҳолату нодонлик эди  
Суяк узра ирриллаган ит;  
Бугун эса итваччалари  
Мутаассиб: таратар бад ҳид —

Ҳа, мана у! Сутдек ойдинда  
Чўнг зулматдек ибодатхона!  
Сув-устиди кўкка бош тираб  
Турар беҳад катта ордона.

Лозим эди руҳий Бастилия  
Бўлмоғи у; Римдаги қузғун  
Уйлар эди: «Немис ақлини  
Шу турмага айлаймиз тутқун».

Матонатли Лютер гулдираб,  
«Тўхта!», деди уларга бироқ,—  
Шундан буён то ҳануз жоме  
На битди-ю, на ёқди чироқ.

Жомечилар, шўрлик тулкилар,  
Қўлингиздан келмас мурдани  
Тирилтирмак,— бемаъни гап бу,—  
Тикламаклик қадим турмани.

Алаҳлаш бу! Энди беҳуда  
Гапни зайтун ёғидек пуллаш,  
Даҳрийлардан сўраб мис чақа,  
Яҳудийдан садақа тилаш.

Истеъдодни, улуғ Франц Лист,  
Қурбонликка бермоқ нораво;  
Беҳудадир бежама нутқлар,  
Қиролимиз — қўлбола даҳо!

Битмагайдир Кёльн жомеси,  
Гарчи галварс шваб галаси  
Йўлласа-да бир кема мрамар:  
Шитоб битсин, дея, чаласи.

Битмагай у, черков тунини  
Ва мезана турқин севган паст,  
Малъун укки, очкўз қузғунлар  
Истагига атай қасдма-қасд.

Ҳатто шундай пайтлар келарки,  
Ҳеч баҳссиз ибодатхона,—  
Шўрлик бино,— битмасдан туриб  
Бўлгай улкан, ажиб отхона.

«Гар жомени отларга берсак,  
Жасадларнинг аҳволига вой.  
Меҳробдаги авлиёларга,  
Ахир, қайдан биз топамиз жой?»

Шу ҳам гапми! Вақт борми дейсиз!  
Роҳиблар деб бош қотирмоқ бас.  
Уч авлиё шарқлик шоҳларга  
Ўзга бир жой топилмай қолмас.

Мен бир фикр ўйлаб ҳам қўйдим;  
Улар учун Sankt Lambert  
Минорида уч темир қафас  
Энг боп жой деб ақлим тан берди.

Тикувчилар қироли ила  
Вазирларин солдилар унга.  
Биз-чи, таклиф қиламиз ўзга  
Уч ҳазратни бу қафас инга.

Ҳерр Бальтазар ўнгда димлансин,  
Қоқ ўртада ҳерр Ҳаспар, чапда —  
Ҳерр Мельхиор; ким билсин қандай  
Улар ўрни ердаги сафда.

Бу муқаддас Шарқ Иттифоқи  
Қонуний тус олмишди дарҳол,  
Гарчи улар ҳатто бир кун ҳам  
Яшамаган бўлса-да ҳалол.

Бальтазар ва Мельхиор маълум,  
Бориб турган айёр серфириб:  
Оғир кунда конституция  
Ваъда қилиб, халқни зўр бериб —

Алдадилар. Ҳерр Ҳаспар эса,  
Араб шоҳи, зўр сафсатабоз,  
Яхшиликка ёмонлик билан  
Жавоб бериб келди қишу ёз.

## V

Қадим Рейн кўприги узра,  
Кезарканман бемақсад, шу он  
Кўрдим: кекса Рейн оқарди  
Ой нурига беланиб чунон.

«Салом, азиз отахон, Рейн!  
Омонмисан, аҳволинг қалай?  
Кўп эсладим соғиниб сени,  
Илҳақликда вақт ўтди талай».

Ажаб: ногоҳ қорамтир сувда  
Пишқирди-да, йўталди биров,  
Кексаларга хос бўғиқ овоз  
Қулоғимга урилди дарров:

«Салом, ўғлим, қари дўстингни  
Унутмабсан, ташаккур сенга.  
Ўн уч йилки, кўрмадим сени,  
Қийин бўлди неча қур менга.

Мен Бибрихда не-не тош ютдим,  
Тош дегани, ахир, ҳазилмас;  
Ошқозонни тешишда, лекин,  
Тош ҳам Беккер шеъридай зилмас.

Деди мени у: нозик ойим —  
Қизки, ҳеч ким қўл тегизмаган,  
Асрар бепуқс қизлик гултожин,  
Ҳали ёт жинс ҳидин сезмаган.

Аҳмоқона бундай қўшиқни  
Тинглаганда юлмоқ бўламан  
Соқолимни, номусдан дейман:  
Ўз қаъримга чўкиб ўламан.

Французлар билар, иффатни —  
Мен бой бердим, шу қисматда бор,

Ахир, улар суғорди зафар  
Шарбати-ла мени неча бор.

Беъмани шеър! Беъмани шоир!  
Тухмат қилиб, уялмай сўкди.  
Сиёсатни назарда тутиб,  
Обрўйимни аямай тўкди.

Французлар қайтса агар, мен  
Нима дейман энди, бу не ҳол?  
Мен эмасми, ахир, фалакдан  
Тезроқ дея, тилаган висол?

Уларга хўп ўрганган эдим,  
Еқтирарди шўхлигин хушим.  
Айт-чи, улар от қўйиб, куйлаб,  
Қийишарми ҳозир ҳам оқ шим?

Жон-жон дея кўргим келар-у,  
Истеҳзодан, лекин, чўчийман:  
Шундай чақиб оларки улар  
Гоҳ шеър билан, таъзимим ейман.

Жўжахўроз Альфред Мюссе  
Дарҳол келиб сочини юлар.  
Энг бемаза қочириғини  
Дастлаб менга ноғора қилар».

Арз айлади анча, бўғилиб  
Менга кекса Рейн бечора.  
Далда бериб бир навъ, сўз қотдим  
Кўтарилса деб руҳи зора:

Қўрқма, азиз, меҳрибон Рейн  
Французлар таҳқир этолмас.  
Шимларининг ранги ҳам бўлак,  
Энди улар аввалги эмас.—

Ҳа, шимлари оқ эмас, қизил,  
Тўқалар ҳам бошқача бутун.

От қўймаслар, куйламаслар ҳам,  
Боёқишлар ўйчандир бугун.

Улар тилдан қўймай қизиқар  
Фихтега ҳам , Кант, Ҳегелга ҳам,  
Пиво ичар, тамаки чекар,  
Ишқибозлар бор кегелга ҳам.

Филистёрдир барчаси, ҳатто  
Дабдабада ўтар бизлардан:  
Сажда қилар Ҳенгстенбергга,  
Вольтер унда қолмиш назардан.

Ҳа, сен ҳақсан, Альфред Мюссе  
Бир бақироқ болакай ҳозир,  
Сен чўчима: узун тилига  
Қулф осамиз, қулфимиз создир.

Ёзсин қани, у ғўр қочириқ,—  
Бизники-чи, минг бора нохуш:  
Не гап ўтди қаҳрамонимиз  
Ва хонимлар аро, айтсин, хўш?

Беккер эса, қўй уни, Рейн,  
Ўйлашга ҳам арзимас нодон!  
Бир зўр қўшиқ тинглайсан энди,  
Кўришгунча хуш қол, отахон.

## VI

Паганини ортидан қолмай  
Spiritus familiaris  
Юрган гоҳ ит қиёфасида,  
Гоҳо бўлиб марҳум Жорж Ҳаррис.

Бонапартга зўр жанг олдидан  
Кўринаркан олов танли мард.  
Бир руҳ келган Суқрот қошига:  
У на хаёл ва на телба дард.

Мен ўзим ҳам ортимда мажҳул  
Бир айғоқчи кўрганман кўп он,  
Ўлтирганда тунда қанотли  
Қофиялар билан андармон.

У турарди недир яшириб  
Қора энгил остига, ногоҳ —  
Ялт этгандек бўлару болта,  
Йўқоларди яна у арвоҳ.

У — гирдиғум, елкалари кенг,  
Юлдузсифат чўғ — кўзларида.  
Езишимга бермасдан ҳалал,  
Турар эди бир оз нарида.

Неча йилким, кўрмадим уни,  
Мақсадсиздек келарди аввал.  
Аммо Кёльн қўйпида ногоҳ  
Ярим тунда учратдим бу гал.

Тун сукути аро хаёлчан  
Кезарканман, ортимда шу дам  
Унсиз шарпа кўрдим. Секинлаб,  
Сўнг тўхтадим. Тўхтади у ҳам.

Турар, гўё мени кутарди,  
Мен жилишим билан шу они  
У ҳам юрди. Шундай келдик биз:  
Қошимизда жоме майдони.

Унсиз шарпа даҳшатли эди!  
Дедим: «Ахир, қилсанг-чи ошкор,  
Нега менинг изим қувасан,  
Тун ярмида сенга нима бор?»

Нечун сени кўраман доим  
Илҳом завқи жўшган маҳали,—  
Яшин каби қалбу ақлимни  
Ёритганда ижод машъали?



Айт, сен кимсан? Нечун боғламиш  
Тақдир бизни бунча ғаройиб?  
Нимадир у — қўйнингда тигдек  
Ярқ этару сўнг бўлар ғойиб?»

Қуруқ эди унинг жавоби,  
Ҳатто лоқайд, ўта совуққон:  
«Қўй, бунчалар аврама мен,  
Сўз оҳангинг таъсирчан чунон.

Бил, эмасман ўтмиш шарпаси  
Ё қабрини тарк этган бир руҳ.  
Ётдир сизнинг метафизика,  
Дабдабангиз — мен тутолмас туғ.

Ўта қатъий амал — тартибим.  
Хушим йўқдир қуруқ лоф-қофга,  
Аммо қалбан не ўйласанг сен,  
Чиқараман уни рўёбга.

Ҳатто йиллар керак бўлса-да,  
Мен мақсадни қуваман шитоб,—  
Амал топур фикринг албатта!  
Сендан ўйлаш, менадир рўёб.

Ҳа, сен ҳакам, мен эса жаллод,  
Худди қулдек жим, итоаткор,  
Ҳатто ноҳақ бўлса-да ҳукминг,  
Бажармоққа мен доим тайёр.

Ликтор консул олдида болта  
Тутиб юрган, бу — Римда удум;  
Ликторингман, аммо мен ортда  
Болта ила кўринмай юргум.

Ликторингман; соядек сенга  
Эргашурман қолмай, ҳар маҳал  
Ҳакамнинг чўнг болтасин тутиб;  
Мен — туғёнли фикрингга амал».

## VII

Уйга қайтгач, мени гўдакдек  
Ўз сеҳрига тез тортди уйқу.  
Ухлаш немис тўшагида соз,  
Соз, албатта, у бўлса парқув.

Соғинч билан қилардим орзу  
Юмшоқ немис парқувин кўп бор,  
Тошдек тўшак узра хорижда  
Тўлғонганда тунлари бедор.

Ўй суриш ҳам, ўйлаш ҳам яхши,  
Пар тўшакда, асли, хуш онлар:  
Бўлур бирдан немис қалбида  
Узилгандек барча кишанлар.

У жирканиб ҳамма нарсадан,  
Учар хушбўй гўшалар томон.  
Немис қалбин парвози, қаранг,  
Қандай мағрур тушда, тунгги он!

Ҳасад қилар худолар ҳатто.  
Уринтирмай йўлда у ўзни,  
Қанотининг бир зарби билан  
Узиб олар юзлаб юлдузни.

Француз ва русларда ер кўп,  
Британлар ҳоким денгизга,  
Биз — ҳавойи ўйлар юртига,  
Унда ҳеч ким тенг келмас бизга.

Унда ҳоким немис руҳининг  
Бирлигию бизнинг мамлакат.  
Шўрлик барча қолган миллатлар  
Судралишар ер бўйлаб фақат!

Қаттиқ ухлаб қолибман, тушда  
Кезармишман бемақсад, бедор.

Бўм-бўш Кёльн кўчаларини  
Ойнинг совуқ нурида такрор.

Қайга борсам, судралар кора,  
Ул тутқувсиз шарпа изма-из.  
Хўп чарчадим, эзилиб кетдим!  
Гўё чексиз йўл босмишдик биз!

Чексиз йўл, йўл, юрагим энди  
Нақ кўз очган ярадек гупчиб,  
Томчи-томчи чиқарди ундан  
Қирмизи қон кўксимга тепчиб.

Бармоғимни тез-тез ботириб  
Қизил қонга, мен тойиб ҳолдан,  
Сирли белги чизардим уйлар —  
Деворига ўз қоним билан.

Ҳар гал менинг қонли бармоғим  
Белгиларкан қайсидир уйни.  
Тинглар эдим олис жаноза —  
Кўнғироғи таратган куйни.

Бу орада чиқди тунд уфқдан  
Хўмрайган ой гезариб, беҳуд.  
Нақ ёввойи қора уюрдек  
Учар эди бир тўда булут.

Қайга борсам, қолмас ортимдан  
Тиф яллиғин тутганча пинҳон  
Қора ҳамроҳ. Кездик қоронғу  
Кўчаларни узоқ икковлон.

Юравердик биз шундай; бир пайт  
Улкан готик шакллар кўрдик.  
Ланг очилган эшик чорларди,  
Шу тариқа жомега кирдик.

Улкан қаърдә ҳукмрон эди  
Қоронғулик, совуқ, сукунат.

Милтираган шамлардан гўё  
Куч оларди енгилмас зулмат.

Кезиб зулмат қучган жоменинг  
Гумбазлари остида мен жим,  
Бир меъёрда ташланган қадам —  
Сасин доим ортдан тинглардим.

Ўлим хоби шунчалар узоқ  
Чўзилган уч авлиё қирол  
Энди яйдоқ миниб тобутни,  
Ўлтирарди — бу не ажиб ҳол!

Бу уч чирик устихон киймиш  
Тенгсиз заррин либоски, кенг-мўл,  
Бош чаноғин тож ёпиб, тутмиш  
Шоҳлик рамзин уч қоқ суяк қўл.

Мозий чанги босган суяклар  
Нақ қўғирчоқ чўпидек титрар.  
Мушку анбар оралаб бадбўй  
Мурда ҳиди димоққа урар.

Гап бошлади улардан бири  
Тақиллатиб шу заҳот тишин,  
Тушунтирмоқ истаб, нечун у  
Мендан ҳурмат талаб этишин.

Биринчидан, чунки у марҳум,  
Иккинчидан, ҳукмдор, ахир.  
Сўнг — авлиё! Бу қутлуғ саноқ  
Аммо менга этмади таъсир.

Жавоб бердим мен унга кулиб:  
«Уринишинг беҳуда, бугун —  
Кўряпманки, сен чекинмишсан  
Афсоналар юртига бутун.

Йўқол бундан! Ер қаъридадир  
Ота мерос масканинг. Шундай.

Ҳаёт эса зарурат учун  
Бу бутхона бойлигин олгай.

Келажакнинг суворийлари  
Эгаллагай жомени тездан.  
Кетинг! Йўқса, савалангайсиз,  
Бино эса поклангай сиздан!»

Юз ўгирдим тугатиб гапни  
Ва ярқ этди зулумот аро  
Гунг ҳамроҳнинг кескир болтаси,—  
У англади барин беимо.

Яқинлашиб сермади болта,  
У, гулдираб қалдироқ мисол.  
Кунпаякун қилиб ташлади  
Иримларнинг маъвосин алҳол.

Зарб янгради гумбаз остида —  
Таърифи йўқ тенгсиз гулдурас.  
Қон отилиб кўксимдан, шунда  
Эшигини очди тонг бехос.

## VIII

Беш талердир прусс пулида  
Кёльн билан Ҳаген ораси.  
Дилижондан қолгач, қўл келди  
Почтачининг жўн араваси.

Кузнинг намчил тонги. Арава  
Лойга ботар тез-тез туманда.  
Лекин қоним ажиб ёқимли  
Бир тафт ила кезарди танда.

Юрт ҳавоси! Қалб гули учун  
Қуёш каби бу ҳаво зарур.  
Йўл лойини айтмайсанми! У —  
Ахир, Ватан шалтоғи эрур!

Дум силкитар отлар дўстона,  
Болаликдан танишдек; бу дам  
Юм-юмалоқ улар тапписи  
Кўҳлик жаннат олмасидан ҳам.

Мана, Мюльҳейм. Тоза шаҳарча.  
Жуда қизиқ бу халқ атвори.  
Мен Мюльҳеймдан ўтгандим сўнг бор  
Ўттиз бирнинг аини баҳори.

Рангин эди у пайт табиат,  
Жилмаярди қуёш ҳам хурсанд.  
Ишқ навосин куйларди қушлар,  
Одамлар ҳам ширин ўйга банд.

Ўйлардилар: «Озғин рицарлар  
Қочиб қолур тез битта-битта.  
Май сочурмиз улар изидан  
Бизлар узун темир чирпитда.

Сўнг Эрк келур рақс тушиб, куйлаб,  
Қўлда тутиб уч рангли байроқ  
Ва генерал Бонапарт балки  
Қаршимизда тирилар у чоқ».

Ё раб! Ҳануз рицарлар бунда!  
Фирибгарлар! Бизга келган дам  
Чўпдек эди уларнинг кўпи,  
Қорин қўймиш энди чунонам.

Меҳр, Умид, Ишончни бизга  
Ваъда қилган озғин, қув баттол  
Рейнвейн симириб, бурнин —  
Қизартишга улгурди дарҳол.

Эрк, Парижда оёғи сингач,  
Рақсу куйни унутди бутун.  
Минорларда уч рангли байроқ  
Ҳилпирамас — бош эгмиш нигун.

Император ердан қўпди ҳам,  
Қадим шашти йўқ эди лекин,  
Тинчлаштиргач британ қуртлари  
Ётди яна жойига секин.

Қўрдим олтин аравани мен,  
Зар тобутни кузатдим йўлда.  
Уни зафар маъбудалари  
Тож остида элтдилар қўлда.

Халқ Елисей майдони бўйлаб  
Қадим Зафар арки остидан —  
Судраларди қору туманда  
Бош эгиб бу мотам дастидан.

Сакта куйни тинглаш бир азоб.  
Қалтирарди дир-дир совуқдан  
Созандалар. Чунонам ғамгин  
Боқар эди бургутлар туғдан.

Чўғланарди кўзлар тирилган  
Хотиралар ўтидан такрор.  
Империянинг сеҳрли туши  
Чарақларди туманда бедор.

Мен йиғладим ўша ғамгин кун  
Қўзим гунгнинг ёшига тўлиб  
Янграган чоқ: «Vive L'empereur!»  
Ўтли кечмиш чорлови бўлиб.

## IX

Эрталабки соат еттию  
Қирқ бешда мен чиқдим Кёльндан.  
Биз учларда келдик Ҳагенга.  
Тамаддига вақт етди. Зотан —

Дастурхон тахт. Унда нақ барча  
Қадим немис таомлари бут.

Салом сенга, янги шакароб,  
Таратганинг қандай хушбўй ҳид!

Сизнимасми суйдим, қайлали —  
Қаштанларим, болалик чоғда?  
Салом сенга, азиз треска,  
Донишмандсан — сузьяпсан ёғда!

Сезги ҳисси ёр бўлса кимга,  
Қадрлагай у юрт ҳидини.  
Хўп севаман тухум, сузмани  
Ва дудланган ватан сельдини.

Шўх рақс тушар мойда колбаса!  
Қораялоқ, ноз билан, пусиб,  
Нақ муссдаги амурча каби  
Қиқирлайди менга кўз қисиб.

«Салом, элат!— дейди чуғурлаб,—  
Қайда эдинг шунча пайт, шоввоз?  
Балки сенинг бегона элда  
Ёт қуш билан донлашганинг рост?!»

Стал узра турар ғозхоним,—  
Мулойиму, содда, феъли хуш.  
Бир пайтлар у ёшлик чоғида  
Балки севмиш мени боёқиш.

У тикилар маъюс, ғамзали  
Менга худди қилгандек имо.  
Гўзал қалбга эга эди у,  
Қаттиқ эди бадани аммо.

Келди охир чўчқа боласи.  
Кўринишдан ёқимтой чунон.  
Урайдилар дафна баргига  
Чўчқа бошин бизда то ҳамон.



## Х

Ҳагендан сўнг тезда тун қўнди  
Ва ичакда бирдан бешафқат  
Аёз турди. Ҳайҳот, ошхона  
Насиб этди Уннада фақат.

Буг таратган идишда шу пайт  
Пунш келтирди менга шаддот қиз,  
Боқишлари ҳилолдек майин,  
Зар кокилин нақ ипак дейсиз.

Мен бижилдоқ вестфаль шевасини  
Тинглар эдим шавқ билан, ёниб.  
Пунш чорларди ўтган йилларни,  
Мен эсладим меҳрим товланиб.

Сизни, дўстлар-вестфалияликлар!  
Гёттингенда қанча ичганмиз,  
Қучоқлашиб, стол тагида  
Ўтказганмиз қанча тунни биз!

Қўнгли очиқ вестфалияликлар,—  
Мен уларни севардим чунон!  
Оғзи маҳкам, ажиб содиқ халқ,  
Шилдир эмас, сўзламас ёлғон.

Ҳар бирини тенглайсан шерга  
Дуэлдаги мардлигин кўрсанг.  
Қилич тутса, солур ҳар бири  
Паҳлавондек рақибига чанг!

Улар ичиш, дуэлда тенгсиз.  
Лекин тутсанг, дўст бўлиб агар  
Лаб ё қўлни — шу он кўзи ёш,  
Зап кўнгилчан эмандир улар.

Оқ кўнгил халқ, уч бора фалак  
Ҳосилингни кўпайтсини, аммо —

Жасорату қахрамонликдан,  
Уруш, шондан асрасин худо.

Уғилларинг, тангри мададкор,  
Зўр топширсин ҳар имтиҳонин.  
Қизларингга берсин хушфеъл эр  
Ҳамда қобил фарзандлар. Омин!

## XI

Мана, ўрмон — бизнинг Тевтобург,  
Тацит каби эслайлик биз ҳам  
Вар ўз содиқ легионларин  
Ҳалок этган ботқоқни бу дам.

Бунда Ҳерманн — херуск сардори  
Лотин итин бошлаб тузлади.  
Чалчиқдаги бу ур-йиқитда  
Ғолиб чиқди немис миллати.

Ҳерманн зафар келтирмаганда  
Ўз малласоч қавмига у кун,  
Капут эди немиснинг эрки,  
Румо ҳоким бўларди бугун.

Лотинча урф сингарди юртга,  
Бўлар эди Мюнхеннинг ҳам  
Ўз Вестаси, шваблар эса  
Аталарди квирит деб у дам.

Ҳенгстенберг — янги Ҳаруспекс:  
Қавлар эди буқанинг ичак,  
Қорнин. Авгур бўлиб Неандр  
Кузатарди қушларни бешак.

Римлик хоним каби терпентин  
Ҳидлар эди Бирх-Пфейфер ҳам.  
(Дейдиларки, ундан бўлармиш  
Пешоб ҳиди ёқимли бирам.)

Раумер немис дайдисе эмас,  
Бўлар эди римлик дайдиус.  
Фрейлиграт эса қофиясиз  
Ёзарди нақ — *Horatius Flaccus*.

Дағал-гадо Ян ота энди  
Ном оларди деб Дағальянус.  
Ме *Hercule!* Лотинча сўзлар —  
Эди *Marcus Tullius Massmanus!*

Тараққиёт дўстлари у пайт  
Синарди ўз кучин қум узра  
Майда журнал лайчаси эмас,  
Балки шерлар билан бир сира.

Уттиз олти ҳокиммас, балки  
Эзар эди бир Нерон бизни  
Ва биз қуллик ғулига қарши  
Кесардик шоҳ томиримизни.

Шунда Шеллинг Сенека бўлиб,  
Қон йўқотиб ўларди, демак.  
«*Sacatum non est pictum!*» —  
Корнелиус тингларди бешак.

Жангда ютди Ҳерманн, минг шукур!  
Чет элликлар қувилди тамом,  
Жаннатдадир Вар, легионлар,  
Бизлар эса немисмиз мудом.

Немисча нутқ, немисча ахлоқ, —  
Бизга ётдир ўзгача адаб,  
Эшак — эшак, *asinus* эмас,  
Шваб эса то ҳануз шваб.

Раумер ўша — немис дайдисе,  
Гарчанд орден олса ҳам чиндан.  
Фрейлиграт қофияли ёзар:  
Бас, Ҳораций чиқмади ундан.

Лотинчага йўқ ҳануз Массман,  
Бирх-Пфейфер драмага ўч,  
Унга римлик бегойимлардек  
Терпентиннинг кераги йўқ ҳеч.

Аё Ҳерманн! Ташаккур сенга!  
Таъзимимиз қабул эт бу дам!  
Биз Детмольда қўйгаймиз ҳайкал,  
Обунада қатнашгум мен ҳам.

## XII

Шалдирайди тунги ўрмонда  
Аравамиз. Қарс этар ногоҳ.  
Чўрт синар ўқ. Таққа тўхтаймиз.  
Расво бўлди кайфият, эвоҳ.

Қишлоқ сари жўнар почтачи.  
Уни кутиб, зимзиё тунда  
Ўрмон ичра қолдим мен ёлғиз.  
Улий бошлар бўрилар шунда.

Чор атрофдан кўтарди улар  
Оч овозда ёввойи гавғо.  
Чўғ кўзлари уларнинг ёнар  
Машъаллардек, буталар аро.

Ташрифимни билиб, афтидан,  
Шарафимга йиғилишиб боз,  
Ўрмон ичра ёқиб минг чироқ,  
Куйлардилар бўлиб жўр овоз.

Ажиб қўшиқ! Бу анжуманда  
Мен ярқ этиб ташландим кўзга!  
Сўнг сипо бир қиёфа билан  
Таъзим қилиб, киришдим сўзга.

«Азизларим, ҳамюрт бўрилар!  
Мен бахтлиман бундай шарафдан:

Қандай меҳр ва сара давра  
Қутилмаган олис тарафда!

Бу ондаги ҳисларимни ҳеч  
Ифодалаб бўлмас сўз билан.  
Унутмасман асло бугунги  
Учрашувни, билинг, сиз билан.

Эриб кетдим ишончингиздан,  
Минг ташаккур эътибор учун.  
Бўлди сизнинг дўстлигингизга  
Жонли гувоҳ шу синовли тун.

Бўриларим! Ишонмадингиз  
Назмкашлар ёйган ёлғонга.  
Жар солишар улар: гўё мен  
Ўтганмишман итлар томонга,

Мен — муртадмиш, қўй подасида  
Маслаҳатчи, яъни амалдор.  
Бу туҳмат деб бош қотирмоққа  
На ҳафсала, бизда, на вақт бор!

Мен ёпинган ул қўй териси  
Исинай деб елкамга гоҳ кун,  
Билинг, мени йўлдан урмади:  
Курашмадим қўй бахти учун.

Мен на қўйман, на маслаҳатчи,  
На таёқдан титровчи кўппак.  
Мен сизники! Бўриникидир  
Мендаги тиш, мендаги юрак!

Мен бўриман, бўрилар билан  
Бўриларча улирман бедор —  
Этагимдан тутинг, инонинг,  
Шунда сизга тангри бўлур ёр!»

Сўзладим ҳеч тайёргарликсиз  
Мен шу нутқни уларга ҳамроз.  
Сўнг Қольб «Умум газетаси»да  
Босди уни қайчилаб бир оз.

### XIII

Падерборн узра ўша кун  
Юз бужмайтиб кўринди офтоб.  
Ноқис ерни, ахир, ростдан ҳам  
Ёритмоқдан не маъни шу тоб!

Ёритса бас бир томонни сал,  
Ўзга ёққа шошиб югурар.  
Бу вақт ичра аввалги ёқни  
Тун бутунлай қоплаб улгурар.

Тошни тутиб қололмас Сизиф,  
Бекор Данай қизлари шитоб  
Сув ташийди. Ердан зулматни  
Йўқотмоққа ожиздир офтоб.

Эрталабки туман тарқалиб,  
Фира-шира пушти нур аро  
Пайдо бўлди қаршимда ногоҳ  
Йўлда хочга михланган Исо.

Йиғлагудек бўламан қараб,  
Шўрлик қондош, ҳолнингга ҳар кун,  
Ювмоқ бўлдинг қавминг гуноҳин,—  
Тентак,— қавминг иқболи учун!

Ёмон ҳазил қилди сен билан  
Қўли узун мўътабар зотлар.  
Қай жин уриб миянгга кирди  
Пона бўлиб черков, оятлар?

Афсуски сен босма дастгоҳин  
Билмас эдинг, эй, бахти қаро.

Қилар эдинг, йўқса, кўкка хос  
Гапни қалин бир нашрга жо.

Унда не гап ерга хос бўлса,  
Қирқар эди цензура бешак.  
Қутқарарди сени у хочдан,  
Рўй бермасди михланиш, демак.

Юксак ваъзини бўларди айтсанг  
Амал қилиб меъёрга, бир-бир.  
Эс-ҳушинг бут, мумкин эди-ку  
Роҳибларга тегмаслик, ахир!

Қувдинг судхўр, чайқовчиларни  
Бутхонадан шарманда қилиб.  
Хаёлпараст, энди сен бизни  
Қўрқитасан хочдан, осилиб!

#### XIV

Совуқ шамол, яйдоқ, тақир дашт.  
Арава ҳам дўқирлаб борар.  
Қалбда эса янграйди бир куй:  
«О, сен қуёш, қаҳрли шарор!»

Бу қайғули нақоратни мен  
Энагамдан эшитганим бор.  
«О, сен қуёш, қаҳрли шарор!»—  
У бурғудек эди жарангдор.

Бу қўшиқ бир қотил ҳақида  
У яшамиш бахтли барчадан.  
Сўнг топмишлар уни сиртмоқда  
Ўрмондаги кекса арчадан.

Шохлар аро михланган экан.  
Уни маҳкум этган қасоскор —  
Қаҳҳор Фема судининг ҳукми.  
«О, сен қуёш, қаҳрли шарор!»

Ҳа, кузатмиш қаҳрли қуёш  
Унинг ёвуз ишларин бисёр.  
Оттилия сўнг бор оҳ тортмиш:  
«О сен қуёш, қаҳрли шарор!»

Қадим оҳанг янграркан, бўлур  
Қаршимда ул кампир намоён.  
Мен кўраман нуроний, ажин —  
Босган рангпар чеҳрани шу он.

Мюнстерлик эди у асли,  
Менга куйлаб берарди зебо —  
Маликалар, ҳурлар тарихин  
Ажиб қўшиқ қилиб доимо.

Ёдимдадир ачинганларим —  
Яйдоқ даштда сарсон кезиниб,  
Зар кокилин сиқиб ўрган ёш  
Маликага бағрим эзилиб.

Ғоз боқишга мажбур эди у,  
Ҳайдаб келиб шом чоғи юввош  
Ғоз галасин, қопқа ёнида  
Яширинча тўкарди кўз ёш.

Михланмишди қопқага отнинг  
Бош чаноғи қиз дилин доғлаб,  
Вафодор от ўлмишди, унинг —  
Қисматини ёт элга боғлаб.

Оҳ тортарди ғамгин малика:  
«О Фаллада, ўлдинг сен нечун?»  
Қичқирарди чаноқ жавобан:  
«Нега мени тарк этдинг у кун?»

Оҳ тортарди ғамгин малика:  
«О, билсайди бу ҳолни онам!»  
Қичқирарди чаноқ жавобан:  
«Сўлдиарди уни бешак ғам!»



Мен кампирни тинглардим бесас,  
Аста, жиддий, олиб ақлни,  
Бошлар эди қудратли кайзер  
Ротбарт ҳақда қадим нақлни.

— Йўқ, ўлганмас кайзер,— дерди у,—  
Бу олимлар тўқиган ёлғон.  
Қуролланган маҳрамлар ила  
Тоғ қаърида яшар у ҳамон.

Кифҳайзер, деб аталар ул тоғ.  
Унда зарҳал ғор-сарой қоим.  
Тантанали нурдан чароғон  
Чўнг гумбазли заллари доим.

Биринчи зал — отхона, унда  
Ёпинганча зирҳли оқ совут,  
Охур узра турар тулпорлар:  
Бургутсавлат, солгудек човут.

Юган солиб, эгар урилган,  
Нафаси суст уларнинг аммо,  
На депсинар, на кишнар отлар,  
Қотиб қолган тош ҳайкал гўё.

Иккинчи зал — даҳлиз, у ерда  
Ётар кайзер легионлари.  
Соқол қўйган, қовоғи солиқ,  
Матонатли уларнинг бари.

Қуролланмиш ҳар битта жангчи  
Ва лекин зал гунг, қабрдек жим.  
Бари жонсиз. Бари тош қотган,  
Ухлатгандек уларни ўлим.

Учинчи зал — кумуш ва пўлат,  
Ойболтаю қилич. Мис совут,  
Дубулғалар. Улкан палаҳмон...  
Фаранглардан қолган ғазна-қут.

Тўплар оз-у, лекин арзийди  
Бешак ажиб ўлжа бўлмоққа.  
Юритилмиш тилла ҳал улкан  
Қора-қизил рангли байроққа.

Қайзер яшар тўртинчи залда.  
Ўтар аср кетидан аср,  
У қўлларин тираб столга  
Тош тахт узра ўлтирар басир.

Чўғранг-малла соқоли унинг  
Ерга тушмиш бир қучоқ бўлиб.  
Гоҳ кўтариб оғир қавоғин,  
У боқади ғазабга тўлиб.

Ухларми ё ўйга ботмишми —  
Бермоқ қийин аниқ бир жавоб.  
Зарур пайтда, бироқ, у ҳушёр.  
Шон чорласа, қўзғолгай шитоб.

Бошда тутиб уч рангли туғни  
Жангчиларни уйғотур у чоқ:  
«Отга!»— деган фармойиш ила  
Тузар бир саф — янгроқ, ярқироқ.

Сўнг ҳар бири отга бўрондек  
Ўлтирганда, яйраб кишнар от,—  
Чавандозлар учар жанггоҳга,  
Шодон янграр карнайлар бот-бот.

Эгарда ҳам, зарбда ҳам тенгсиз,  
Улар учун жанг ўйин гўё.  
Қайзер эса қилиб ҳакамлик,  
Қотилларга беради жазо.

Қотилларки, хор этмиш гулни,  
Германия — кўзлари зангор  
Ул гўдакни, заркокил қизни.  
«О, сен қуёш, қаҳрли шарор!»

Этган бўлса кимки жон асраб,  
Бош чиқармай қасридан зинҳор.  
Уни одил судга тортади  
Барбаросса — ҳақғўй қасоскор!

Йиллаб дилда сақланган қўшиқ  
Қандай тотли, қандай оҳангдор!  
Куйлар менинг иримчи қалбим:  
«О, сен қуёш, қаҳрли шарор!»

## XV

Ёмғир шундай совуқки, заҳри  
Нинадан ҳам ўткир ҳойнаҳой.  
Отлар думин силкитар ғамгин:  
Терга ботган, ёлигача лой.

Бурғусини чалар почтачи.  
Янграб турар миямда яккаш:  
«Уч суворий чиқар қопқадан».  
Бирдан юрак тарта бошлар ғаш.

Мудроқ босди. Мен ухлаб қолдим  
Ва туш кўрдим хўп аниқ-равшан:  
Ротбарт ҳукм юргизган ўшал  
Мўъжизавий тоғда эмишман.

Аммо энди ўлтирмасди у,  
Одатича, бўлиб тош ҳайкал.  
Улуғвор ҳам боқмасди буткул  
Биз тасаввур қилгандек бу гал.

У мен билан узоқ вақт кезди  
Тарк этганча шоҳона кибрин  
Ва ўз мулкин кўрсатди ноёб  
Ёдгорликдек, сўнг, бирин-бирин.

У қуроллар залида менга  
Тушунтирди нелигин тўқмоқ.

Қиличларни артиб, текширди  
Кескирлигин тегизиб бармоқ.

Топиб товус думин, у билан  
Сўнгра, қоқди совутдан тортиб  
Дубулгаю сипарлар устин  
Қоплаб ётган чангни ботартиб.

Муҳимлигин бу ишнинг англаб,  
Тозалади туғни у, дея:  
«Қурт емаган, қара, дастани,  
Шойига ҳам тушмаган куя».

Биз кирган чоқ жангчилар саркаш  
Чўнг легион бўлиб кўпдан тин —  
Олаётган залга, қария  
Деди ғамхўр овозда секин:

«Сўзлаш лозим шивирлаб, йўқса  
Уйқусидан кўтаргайлар бош.  
Яна ўтди юз йил, уларга  
Тўлаш керак шу бугун маош».

Қайзер ўтди қатор оралаб,  
Уйғотмай деб уларни, бир йўл  
Солиб қўйди ҳар бир аскарнинг  
Ҳамёнига бир дукатдан пул.

Сўнг шипшиди аста кулганча  
Кўриб менинг юзимда ҳайрат:  
«Ҳар юз йилда мукофот эрур  
Улар учун мендан бир дукат».

Девор бўйлаб отлар хайқалдек  
Чўнг саф тортган залга киргач, чол  
Қўлларини аллақандай бир  
Ҳаяжонда ишқади хушҳол.

У санашга киришди дарров  
Шапатилаб отлар сағрисин.

Санаб-санаб, сўнг бирдан лабин  
Бурганича айтди тўғрисин:

«Етишмайди бу гал ҳам,— деди  
Йиғлагудек бўлиб у, пурғам.—  
Қурол-яроғ, одамлар бизда  
Етарли-ю, аммо отлар кам.

Амрим билан аспи жаллоблар  
Жўнатилган кўпдан ҳар ёққа,  
Энг баланд нарх билан биз учун  
Зўр отларни сотиб олмоққа.

Ҳаммаси бут бўлгач, бас — жангга!  
Шундай жангки, битта зарбадан  
Немис халқи этилиб озод,  
Халос бўлгай қулликдан Ватан».

У жим бўлгач, қичқирдим: «Қани,  
Ишга, қари қиличбоз! Бешак  
Авжга чиққан пайтда ур-йиқит,  
От етмаса — топилгай эшак».

Бироқ Ротбарт кулди: «Шошмоққа  
Кўрмаяпман эҳтиёж асло.  
Қурилмаган Рим ҳам бир кунда,—  
Вақт керакдир ҳар ишга зеро.

Эрта келгай — кимки бугун йўқ.  
Ҳали жангнинг вақтимас, зотан  
«Chi va piano, va sano», дерлар  
Рим мулкида, ахир, азалдан».

## XVI

Мен уйғондим силтовдан ногоҳ.  
Бироқ мудроқ босди-ю, шу он  
Яна элтди Ротбарт ёнига —  
Кўпдан таниш Кифҳайзер томон.

Сухбатлашиб тагин, биз ўтдик  
«Гум-гум» қилган йўлакдан аста.  
Менга савол берар қария,  
Қарашларим билмоқ қасдида.

Кўп йилки у беҳабар эди,  
Юмиб инсон дунёсидан кўз,  
Етти йиллик урушдан буён  
Эшитмаган эди жонли сўз.

У, Моисей Мендельсон, Каршин  
Қалай, деб, сўнг қизиқди зимдан —  
Дабдабали сарой хоними  
Дюбаррининг аҳволи билан.

«Кайзер! — дедим. — Қандай қолоқсан!»  
Аллақачон Моисей ўлган,  
Равеккаси, ўғли Авраам ҳам  
Қабрдаги хок — чириб бўлган.

Авраам билан Лиянинг ўғли  
Феликс эса зап учар экан.  
Чўқинди-ю, мниди амалга:  
Бош созанда саройда кўпдан.

Улиб кетган Каршин кампир ҳам,  
Қабрдадир Клинке — қизи.  
Тирик, менга айтишларича,  
Набираси Хельмина Чизи.

Давр сурди Дюбарри: жазман  
Шоҳ — Людовик Ун бешинчи то —  
Тирик экан; гильотинада  
Кампир кейин жон берди аммо.

Гар Людовик Ун бешинчи тинч,  
Қиролга хос топса қазосин,

Ун олтинчи ва Мариянинг  
Гильотина берди жазосин.

Қиролича сўнг нафасгача  
Ўзин тутди мағрур ва сипо,  
Етмасданоқ гильотинага  
Фарёд солди Дюбарри аммо».

Ногоҳ кайзер қотиб қолди-ю,  
Қўрқув ичра сўради: «Улар,  
Авлиёлар ҳаққи, айт, дўстим,  
Гильотина билан не қилар?»

«Бу,— дедим мен,— қабристонларга  
Зоти ҳар хил, лекин кераксиз  
Одамларни тез кўчирмоқнинг  
Янги осон усули шаксиз.

Ўзи жўн иш, бажарувчиси,—  
Бошқарсанг бас,— бир машинадир.  
Қашф этмишдир жаноб Гильотен,—  
Унинг номи гильотинадир.

Боғлайдилар катта тахтага,  
Икки ёнда иккита тўсин.  
Боғичи бор учбурчак болта  
Бошда турар осилган йўсин.

Боғич андак тортилсами, бас,—  
Болта ўқдек пастга учади,  
Зум ўтмаёқ, алоҳида бир  
Қажавага бошинг тушади».

Бирдан кайзер қичқирди: «Бас қил  
Сен мақташни гильотинани!  
Эрмагини қаранг! Қўрмоқдан  
Асра, тангрим, бу машинани!

Шармандалик! Тахтага боғлаш  
Қирол билан қироличани.  
Бу — қиролни ҳақоратлаш-ку,  
Одоб қани, эҳтиром қани?

Сен-чи, сурбет, хўш, қайдан келдинг?  
Танобингни тортишим тайин!  
Уйнашмагин мен билан, тагин  
Қанотингни юлиб олмайин!

Хўп зардамни қайнатдинг, сени,  
Сафсатабоз, келтирди қай жин?  
Кулгинг ўзи тожга хиёнат  
Ва ҳақорат эрур тахт учун!»

Унутди-ку одобни буткул  
Чол тушмагур ҳаддидан ошиб.  
Юрагимда не бўлса, мен ҳам  
Шартта айтдим ғазабим тошиб.

Мен: «Ҳерр Ротбарт, шўрлик афсона!  
Ултиравер шу ўрангда жим!  
Ақлимизни бир навъи йўлга  
Сололгаймиз ўзимиз!— дедим.—

Бизни ҳар бир республикачи  
Мазаҳ қилиб кулади албат!  
Тўғри-да: тож эгаси — чўпчак,  
У жанг қилар эртақда фақат!

Қора-қизил-тилларанг ўшал  
Байроғингдан, билганинг маъқул,  
Аллақачон кўнглим қолдирган  
Тевтономан оломон буткул.

Энг яхшиси, ўлтир ўрангда.  
Бор ташвишинг сенинг — Кифҳайзер.  
Биз-чи... Агар ўйлаб кўрилса,  
Нега керак биз учун кайзер?»



## XVII

Кайзер билан қаттиқ тортишдим  
Мен тушимда, ҳа, тушда фақат.  
Шоҳлар билан ўнгда юракдан  
Суҳбатлашмоқ хатарли албат.

Фақат хаёл дунёси ёки  
Рўёб билмас тушда қалб зикрини  
Оча олгай уларга немис,  
Айта олгай немисча фикрини.

Уйғондиму боқдим. Атрофда  
Дов-дарахтлар чопарди бедор.  
Уларнинг нам, яйдоқ ҳаётини  
Кўриб, дарҳол мен тортдим ҳушёр.

Бош чайқарди яниб, эманлар.  
Дарғазаброқ боқди юзимга  
Улардан ҳам қайинлар. Дедим:  
«Хафа бўлма, кайзер, сўзимга!

Кечир, Ротбарт, қизиққонлигим,  
Мен биламан: сен — доно, оқил,  
Мен — бетийиқ, тентак жангари.  
Кел, малласоч қирол, афу қил!

Гильотина ёқмаса сенга,  
Эрк бер қадим қонунларга, бас:  
Савдогару авом — сиртмоққа,  
Қиличга мос — барон ва князь.

Лекин баъзан ўзгарт усулни  
Ва тап тортмай киборларни ос,  
Майли, бошин кессанг-да, зеро  
Ҳаммамиз ҳам бандамиз, холос.

Тикла Карл муваффақиятли  
Жорий этган жинноий судни,

Тагин халққа белгилаб бергин  
Табақалар аро ҳудудни.  
Лозим бўлса қайтар қутлуғ Рим  
Империясин, кечмишлар расмин.  
Қайтар бизга энг бадбўй моғор,  
Чириб кетган ниқоблар базмин.

Қайтар ўрта асрнинг унут  
Барча урфин, гар қурбинг етса,  
Ҳаммасига чидайман, фақат  
Бас, лаънати хумсалар кетса,—

Мард рицарлик этигин киймиш  
Бу мешчанлар, ё раб, рўйи рост:  
Янги ёлғон, готик алаҳлаш,—  
Латтачайнар бир тўда холос.

Ўтмишни хўп масхараловчи  
Сафсатабоз йўқолсин дарҳол!  
Майнавозлик томошасин ёп!  
Кел, келақол, биз кутган қирол!»

## XVIII

Маҳобатли қалъадир Минден,  
Қуроолланган то бошдан-оёқ.  
Лекин прусс қалъаларини  
Кўришга йўқ менда иштиёқ.

Қириб бордик қош қорайганда.  
Кўприк узра фойтун тарақлар,  
Тўсинлар ҳам инграр; қабрдек —  
Оғзин очиб турар ҳандақлар.

Юксакликдан улкан минора  
Менга таҳдид қиларди ошкор.  
Очилдию қопқа ғичирлаб  
Ва ёпилди ғичирлаб такрор.

Бир сесканиб тушди юрагим.  
Фор оғзини циклоп тўсган чоқ  
Одиссейнинг мард юраги ҳам  
Титрамишди муз қотиб шундоқ.

Кимлигимиз, аъмолимизни  
Сўрди капрал келиб тез яқин.  
«Кўз доктори мен, исмим Ҳечким,  
Кетказгайман шоҳлар кўз оқин».

Кўнглим озиб, меҳмонхонада  
Овқат ўтмай бўлдим бир аҳвол.  
Ётдим, аммо келмади уйқу,  
Кўкрагимни эзарди адёл.

Тепасидан кенг пар тўшакнинг  
Қизил парда тушмиш икки ён.  
Ўртасида яғир попукли  
Ранги кетган заррин соябон.

Эҳ, лаънати попук! Тун бўйи  
Менга уйқу бермади сира,  
Дамоклнинг қиличи каби  
Осилганча нақ бошим узра.

Айландию илонга ногоҳ,  
Вишиллади сирғалиб шифтдан:  
«Сен бир умр қалъа маҳбуси,  
Чиқолгайсан на тонг, на хуфтан!»

«О, қайтолсам бас эди уйга!»—  
Деб қўрқувдан титрардим чунон,—  
Париж томон, Faubourg-Poissoniere,—  
Ул суюкли рафиқам томон!»

Пешонамни темир қўл билан  
Кимдир силаб қўярди гоҳ-гоҳ.  
Гўё цензор чизарди фикрим,  
Фикр жарга қуларди ногоҳ.

Тўшак узра уймаланишар  
Жандармлар, эгнида кафан —  
Арвоҳдек оқ ёвуз оломон,  
Ва қайдадир жаранглар кишан.

Сўнг арвоҳлар судради мени  
Олис сўқмоқ бўйлаб жар томон,  
Парчинландим мен тик қояга  
Занжир билан шунда ногаҳон.

«Шундамисан, лаънати попук!»  
Сезардим мен: ақлим сусаяр,  
Таҳдид қилиб ғилай кўз билан  
Бошим узра калхат пасаяр.

Ухшаш прусс бургутига у,  
У кўксимга ботириб тирноқ,  
Жигаримни юлқиб чўқирди,—  
Типирлардим тоқат бўлиб тоқ.

Қичқирдию хўроз, бу азоб,  
Бу алаҳлаш тугади дарҳол.  
Мен Минденда ётардим терлаб,  
Қир попукнинг остида беҳол.

Зудлик билан йўлга тушдим-у,  
Эркинликни ҳис этиб, бот-бот  
Енгил нафас олдим Бюкебург  
Табиати қўйнида озод.

## XIX

Хато еди бошингни, Дантон,  
Барча учун бу сабоқдир, бас:  
Олиб кетмоқ юртни пошнада,  
Ҳа, унчалик қийин иш эмас.

Онт ичаман, Бюкебургнинг нақ  
Оёғимга ёпишди ярми.

Кўрмаганман ҳеч бундайини,  
Йўл ҳам шундай расво бўларми?

Бюкебургда кўчада тушдим  
Йўл-йўлакай кўрай деб бир қур  
Бобом кўзин очган гўшани;  
Бувим асли Ҳамбургдан эрур.

Ҳанноверга келгач, этикни  
Тозалашга бердим-у, шу чоқ  
Чиқдим шаҳар кезишга тушда,  
Сафар бўлсин деб фойдалироқ.

Ёраб, атроф нақ ялангандек,  
На ахлат бор, на чангу гард бор!  
Унда бойлар уйларин бари  
Маҳобатли услубдан ёдгор.

Менга ёқди айниқса майдон,  
Қайси уйга боқма — мўъжиза!  
Бунда сарой. Яшайди қирол,  
У ниҳоят гўзал, покиза

(Яъни сарой!). Кираверишда  
Хос соқчилар қотиб турар — зўр:  
Мундир — қизил, милтиқ — бир текис,  
Нигоҳлари ваҳмали, қонхўр.

Йўл бошловчи дер: «Эрнст-Август  
Яшар бунда нақ гўшанишин,—  
Британ лорди, оқсуяк тори,  
Кекса, бироқ тетик ёз-қишин.

Фароғатда яшар у бунда,  
Хос соқчидан ҳам, ахир, зўрроқ  
Қўриқлайди уни фуқаро —  
Феълидаги кўрқоқлик ҳар чоқ.

Ҳар кўрганда, у зерикарли  
Амалидан менга қилар арз.

Дейди, унинг қироллик тахти  
Ҳанноверга эмас эди фарз.

Инглизча кенгликни қўмсаб,  
Зерикмоқда у бизда, хуллас.  
Ноумидлик эзмоқда уни,  
Шўрлик ўзин, ўлдирмаса бас.

Бирда кўрдим: камин узра жим,  
Еруғ тушиб ғамгин бетига,  
У шоҳона қўл билан ҳуқна  
Тайёрларди бетоб итига».

## XX

Мен Ҳарбургдан салкам бир соат  
Ичра келдим Ҳамбургга. Оқшом,  
Суст ҳавода бор эди чарчоқ,  
Юлдузларда — сокин бир салом.

Уйда онам очдию эшик,  
Чўчиб боқди, сўнгра погаҳон  
Бахтдан юзи ёришиб кетди,  
Чапак чалиб юборди шодон.

«Болажоним! Ўн уч йил сени  
Мен соғиндим йўлингга маҳтал.  
Қорнинг очдир, шундайми, ўғлим,  
Нима овқат келтирай аввал?»

Балки ерсан балиқ ва ғозни,  
Сўнгра эса — апельсинларни?»  
«Майли келтир балиқ ва ғозни,  
Сўнгра эса — апельсинларни».

Мен тановул қилаётган пайт,  
Бахтли, кулиб, тинмасдан тили  
Онам берар кетма-кет савол,—  
Анчагина қалтис бир хили.

«Болагинам, сенга шунча йил  
Мобайнида қараб келди ким?  
Сарф-ҳаражат, овқат, тикишни  
Биладими хотининг, ўғлим?»

«Зап зўр экан балиқ, онажон,  
Кейин беринг саволни фақат.  
Тиқилмайин қилтиққа тагин,  
Ахир, бу пайт бўларми суҳбат!»

Мен балиқни еб бўлар-бўлмас,  
Етиб келди зираворли ғоз.  
Суриштирар онам бот, яна —  
Қалтис эди саволи бир оз.

«Ўғлим, қайси мамлакатда  
Ҳаёт яхши? Қиёсласа гар,  
Хўш, қайси халқ яшайди афзал,  
Айт, бизларми ё французлар?»

«Гап шундаки, ойи, гар жиддий  
Фикрланса, яхши бизнинг ғоз,  
Французлар моҳирроқ, лекин,  
Ҳа, уларнинг қайласи ҳам соз».

Ғоз ҳам тезда хўшлашди, кейин  
Таклиф этди хизматин дарҳол —  
Апельсинлар. Едим ўнтасин  
Зўрламасдан ўзни, бемалол.

Суриштира бошлади кампир  
Яна бу пайт ёришиб юзи.  
Баъзи савол шунчалик қувки,—  
Дейсиз худди қопқоннинг ўзи.

«Хўш, сиёсат бобида, ўғлим,  
Аввалгидек баландми шахтинг?»

Ҳозир қайси партиядасан?  
Ғоянг ўша, ўшами аҳдинг?»

«Оҳ, ойижон, апельсинларнинг  
Бари, сўзсиз, ажиб, беқиёс.  
Лаззатланиб шарбатидан мен  
Қолдирыпман пўстини, холос».

## XXI

Ярми ёнган шаҳаримизни  
Киришганлар тиклашга алҳол.  
Жуни чала қирқилган лайча —  
Янглиғ Ҳамбург турар маъюсҳол.

Кўп кўчалар унда йўқ энди,  
Мен излайман уларни бекор.  
Қани ул уй, унда мен хуфя  
Бўса тотин сезгандим илк бор.

Топмадим «Йўл манзаралари»н  
Топширганим босмахонани.  
Мен илк бора устрицани  
Тотган қувноқ майхона қани?

Дреквалим, қани Дрекваль,  
У қайларда изсиз йўқолди?  
Мен беқиёс тортларин еган  
Қадим дўкон қайларда қолди?

Қани сенат, қани ратуша,—  
Мешчанликнинг ўшал паноҳи?  
Ҳалок бўлди! Ўйларди барча  
Деб ўт олмас, улар — илоҳий.

Шундан буён одамлар инграр,  
Нигоҳлари маъюсдир ғоят.  
Ваҳма билан даҳшатли ёнғин  
Ҳақда айтар ўнлаб ҳикоят.



«Бирваракай ёнди тўрт томон,  
Қора дудга кўмилди ҳар ён.  
Бонгхоналар қулаб, аланга  
Қоплаб олди уларни шу он.

Ёниб кетди кўҳна биржа ҳам.  
Унда эса, барчага аён,  
Асрларки, оталар ҳалол  
Ишлаб келди борича имкон.

Олтин қалби шаҳримизнинг — банк  
Ва ҳар битта шаҳарлик нархи —  
Битилган ул дафтарлар омон,  
Бузилмабди ҳаттоки тархи.

Пул йиғилди энг олис, энг чет  
Жойларда ҳам ҳатто биз учун.  
Зап иш бўлди! Соф фойда ўзи  
Етди саккиз миллионга бугун.

Бор художўй насроний аҳли  
Ҳақ йўлига қилди кўп эҳсон.  
Ўнг қўл билан шунча олингач,  
Ҳисобсиздир чапи бегумон.

Ҳар томондан келаверди пул,  
Гоҳ қуруқлик, денгиз бўйлаб гоҳ.  
Олавердик ҳар хил эҳсонни,  
Кўз юммоқлик фойдадан — гуноҳ!

Келаверди тўшагу кийим,  
Гўшт ҳам, нон ҳам, шўрвагача то.  
Бўлди прусс қироли эса  
Ўз лашкарин жўнатмоқ ҳатто.

Ёпилди ҳам маблағий зарар,  
Жароҳатга даво топгаймиз.  
Бироқ қўрқув, даҳшатли қўрқув!  
Эвоҳ, уни қандай ёпгаймиз!»

«Дўстлар,— дедим маъқуллагандек,—  
Бефойдадир оҳ чекмоқ, қайғу.  
Зўрроқ шаҳар эди Троя,  
Бироқ у ҳам ёниб кетди-ку.

Қайта тикланг уйларингизни,  
Артиб олинг бурун, лаб ёнин.  
Урнатингиз яхшироқ қонун  
Ва мустаҳкам ёнғин мўрконин.

Сиз тошбақа шўрвангизга кўп  
Сепманг кайен мурчидан зинҳор,  
Қарпингизни еманг, карп мойин  
Юрак учун кўп зарари бор.

Курка сизга қилмайди зарар,  
Бироқ сизни тез туширгай чув  
Бургомистр паригига нақ  
Тухум қўйган ўша қув какку.

Пешонага битилган у қуш  
Сизга таниш, дўстлар, эҳтимол.  
Жиғилдондан қайтар еганим  
Турқин кўзга келтирса хаёл».

## XXII

Шаҳардан ҳам одамлар ҳароб.  
Манзара йўқ бундан нотавон.  
Барча шумшук, қартаймиш, худди  
Одимловчи харобасимон.

Кимки озғин — бўлди буткул чўп,  
Семизи-чи — нақ ахта тўнғиз.  
Қартайдию гўдаклар, қайтди —  
Болафеъллик чолларга бу кез.

Бузоқ эса кимки, энди у  
Сайр этади бўлиб зўр новвос.

Жўжа розлар мағрур пат кийиб,  
Зап етилди бўлиб ота роз.

Гудель кампир озди ақлдан:  
Пардози зўр сиренадан ҳам,  
Унинг сочи сақичдан қора,  
Кўпикдан оқ тишлари бу дам.

Қоғозфуруш дўстим биргина  
Букилмабди бу чўнг зарбадан:  
Сочи — олтин кўзи териси,  
Худди тирик авлиё Иоан.

Чопиб ўтди ёнимдан N. N.  
Ҳаяжондан юзлари бўрта,  
Дерлар ёнган ақлин Биберга  
У қилдирган экан суғурта.

Учратганда кекса цензорни,  
Ҳайрат билан турдим тикилиб.  
Пийпалабди тақдир уни ҳам,  
Қартайибди, қолмиш букилиб.

Қўл сиқишдик узоқ иккимиз  
Кўз ёш қилди шу ондаёқ чол:  
Мени кўрмоқ бахт эмиш унга!  
Зап томоша бўлди-да бу ҳол.

Баъзиларни топмадим. Улар  
Тарк этмишлар дунё ташвишин.  
Гумпелино билан ҳатто, эҳ,  
Учрашолдик на тонг, на пешин:

Ер кишани буюк қалбидан  
Кул-кул бўлиб, ниҳоят, тушмиш  
Ва айланиб пок фариштага,  
Яҳво тахти томон у учмиш.

Кўринмади қийшиқ Адонис,  
Гарчи уни қидирдим узоқ.  
Сотар эди кўчаларда у  
Тунги тувак ва идиш-аёқ.

Тенгсиз лайча Саррас ўлибди.  
Худо ҳаққи, берарди дарҳол  
Кампе бир қоп шоирни жон деб  
Бу йўқотиш ўрнига алҳол.

Насроний ва яҳудийлардир  
Ҳамбург аҳли қадим замондан.  
Улар учун умум одат шу:  
Чиқмаса бас ақча ҳамёндан.

Насронийлар обрўли халқдир —  
Ейди ёғли, фойдали овқат  
Ва векселни тўлайдилар тез  
Сўнги муддат олдидан фақат.

Яҳудийлар бўлар икки хил,  
Икки жойда ибодат қилар:  
Янги жоме — янгилар учун,  
Калисога борар эскилар.

Янгилари чўчқа гўшти ер,  
Оппозиция томонда, бари —  
Демократ; эскилар эса  
Киборчангал ҳаддан ташқари.

Эскисю янгисини ҳам  
Мен севаман, лекин, бирубор,  
Машҳур балиқ — дудланган шпрот —  
Ардоқлидир мен учун минг бор.

### XXIII

Гарчанд Ҳамбург Венециядан  
Республика тарзида гўрдир,  
Лекин Лоренц майхонасининг  
Устрицаси бу ерда зўрдир.

Кампе билан бордик биз ўша  
Майхонага давра қурғали,  
Устрицаю рейнвейн узра  
Ёзилсин деб тиллар чигали.

Ажиб давра кутарди бизни;  
Қучоқ очди намлаб кўзларин  
Менга хушфеъл, қадрдон Шофпье  
Ва кўпдан-кўп янги дўстларим.

Шунда эди Вилле ҳам. Афти —  
Худди альбом: юзига, ҳайҳот,  
Академик нашр зўрлари  
Қилич билан қўл қўймиш бот-бот.

Шунда Фукс, у — кўр мажусий  
Ҳамда шахсий душман Яҳвога;  
У сиғинар фақат Ҳегелга  
Ва Канова чизган Зухрога.

Ҳузур қилиб яйрарди Кампе  
Икки ёндан иззат қозониб.  
Қалб дунёсин сочар нигоҳи  
Маъбуданинг юзидек ёниб.

Устрица ютарканман мен  
Рейнвейндан тотиниб тез-тез,  
Ўйлар эдим: «Кампе зўр одам,  
У — ноширлар машъали сўзсиз!

Ўзга ношир билан юрардим  
Оч-яланғоч, гадодан баттар,  
Бу ҳаттоки май тутар менга —  
Олижаноб одат нақадар!

Яратганга шукур! Ҳаётга  
Ток навдасин зангор нақш этмиш  
Ва Юлиус Кампени менга  
Ношир қилиб ўзи бахш этмиш.

Азал-абад шукур тангрининг  
Қудратига, унинг дастидан  
Рейнвейн яралди ерда,  
Устрица — денгиз остида.

У яратди лимон шарбатин  
Устрицага сепмоқлик учун.  
Боҳабар бўл, тангрим, ногаҳон  
Ошқозоним жўшмасин бу тун!»

Рейнвейн юмшатиб қалбни,  
Тинчлантирар юрак қатини.  
Уйғотур ишқ жаннати аро  
Биродарлик муҳаббатини.

Сўнг хонадан қувлару мени,  
Кўчаларда кездирар сарсон.  
Қалб талпинар ўзга бир қалбга  
Ва сирли оқ кўйлақлар томон.

Кўз олдингда ул тотли ҳолат,  
Сен эрийсан ҳисларга тўлиб.  
Кўринади бор мушук — кулранг  
Ва ҳар хотин — Елена бўлиб.

Дрейбанга бурилдиму мен,  
Шу заҳоти ой чиқди мағрур  
Ва кўринди улуғвор бир қиз,  
Сийнаси нақ қўш чўққи эрур.

Нақш олмадек бети юмалоқ,  
Оғзи — гилос, икки юзи — гул,  
Эртактаги фериуза — кўзи!  
Аммо бурни шубҳали қизил.

Бошидаги сурп қалпоғи зап  
Безалмишдир — каштаси гулдор.  
Қалпоқ худди минглаб минорни  
Бошда тутган юксак, чўнг девор.

Болдирига тушмиш оқ кўйлак,  
Болдирлари нақ кўпчиган қир.  
Чўнг оёғи олдида машҳур  
Дорийдаги устунлар ҳечдир.

Феъл-атвори ғоятда содда:  
Эркин кибор назокати бор.  
Кети улкан, ғайри инсоний:  
Англатарки, у — ўта зотдор.

Яқин келиб деди у менга:  
«Эльба узра шоирга салом!  
Гарчанд кўп йил дунё кезсанг ҳам,  
Ўзгармабсан, сен — ўша мудом.

Излаганинг бунда ким? Қувноқ,  
Маишатга мойил дўстларми?  
Ё сен билан тунлар гўзаллик  
Орзусида ёнган кўзларми?

Очкўз ҳаёт — юз бошли юхо  
Ул авлодни путратиб, ютди.  
Энди йўқдир таниш қизлар ҳам,  
Ўшал бахтли йиллар ҳам йитди.

Тополмайсан бир пайт қалбингни  
Асир этган хушбўй гулларни.  
Ёвуз қуюн ёпирилди-ю,  
Олиб учди кўпдан уларни.

Бари сўлди, бари тўкилди,  
Сен ёшликни излайсан бекор!  
Неки ерда гўзал, нурафшон —  
Бўлса, унга шундай қисмат ёр».

«Қимсан?— дедим.— Сен тирик танга  
Қириб олган кечмишмисан, айт?  
Уйинг қайда, паҳлавон аёл?  
У шоирга очиқми ҳар пайт?»

Аёл деди кулиб оҳиста:  
«Бўёқларинг қора-ку нуқул.  
Мен ахлоқли нозиктаъб қизман,  
Тарбиям ҳам бошқача буткул.

Йўқ, мен Париж фоҳишасимас?  
Фақат сенга кўриндим аён.  
Мен маъбуда Ҳаммонияман —  
Ҳамбург учун қилич ва қалқон.

Бироқ сен — лол, сен чўчиб кетдинг,  
Қиёфаси шоир, эй, сарбоз.  
Кетдик, мендан қўрқасанми ё?  
Тонг отарга қолди жуда оз».

Яйраб кетиб дедим мен эса:  
«Ҳазилинг соз, гўзал гулрухсор!  
Қани бошла! Ортингдан ҳатто  
Мен дўзахга киришга тайёр!»

#### XXIV

Бундай руҳий ҳолатда, билмам,  
Қандай қилиб чиқдим зинадан.  
Рўй бермишдир барн, афтидан,  
Шафқатли руҳ ёрдами билан.

Шифти қия болохонада  
Вақт учарди соатма-соат.  
Маъбуда хўп меҳрибон эди,  
Кўрсатарди такаллуф, ҳурмат.

«Мен учун,— у деди,— қачондир  
Бор дунёда суюк ва соҳир —  
Эди бенуқс лираси билан  
Мессияни куйлаган шоир.

Қлопшток бюсти чиқмиш  
Истеъфога — жавонда бугун.



Энди кўпдан у таглик бўлиб  
Хизмат қилар қалпоғим учун.

Қароватим бурчини энди,  
Боқ, суратинг сени безатар.  
Боқ, суюкли шоир бошида  
Гултож янги, дафнаси ҳам тар.

Тузатишинг керак феълингни  
Сен бир қадар мени деб фақат.  
Авваллари ўғлонларимни  
Ҳақоратлаб келгансан беҳад.

Ўйлайманки, шўхликни ташлаб,  
Бўлгандирсан бир оз боодоб.  
Балки энди тентакларга ҳам  
Муомалаинг жиндак юмшоқтоб.

Лекин, айт-чи, қай ақл билан  
Шимол томон бу лой, ёмғирда  
Судралмоққа азм этдинг, ахир —  
Қиш нафаси далаю қирда!»

«Маъбудам,— деб жавоб бердим мен,—  
Инсон қалби тубида бўлар  
Ҳар хил фикр; баъзан чорловсиз  
Бош кўтарар зулматдан улар.

Бир қарашда зўр эди бари,  
Ҳолсиз эди юрагим лекин.  
Тунд ва бесас унда кунма-кун  
Юрт соғинчи кучайди секин.

Шан ҳавоси Франциянинг  
Бўлиб қолди оғу мисоли.  
Кўксим учун, бир он бўлса ҳам,  
Зарур эди немис шамоли.

Ўйдан кечиб немис чубуғи,  
Торф ва пиво ҳиди бирма-бир,

Ҳис этгандек она тупроқни  
Титрар эди оёқ бесабр.

Хўрсинардим, тунлар қийнардим  
Такрор-такрор соғинч туйғуси:  
Даммтордаги кекса онаму  
Лотхенимни кўрмоқ орзуси.

Кекса жаноб келарди ўйга;  
Қаттиқ танбеҳ бериб у аввал,  
Сўнг ҳимоя қиларди ўзи,  
Кўз ёшимни ютардим ҳар гал.

Эшитмоқни унинг соддадил  
Койишларин қўмсардим жуда.  
«Эҳ, шумтака!»— Бу сўз янграрди  
Муסיқадек юрак тубида.

Ўйга келар сипо уйчалар  
Мўрисида таралган дудлар,  
Қуйисаксон булбулларию,  
Водийдаги жўки, болутлар,

Юрагимга ёд бўлган жойлар —  
Изтиробли кечмиш гувоҳи.  
Оғир эди бўйнимдаги хоч  
Ва ёш қалбнинг таратган оҳи.

Мен аччиқ ёш тўккан жойларда  
Қани такрор йиғласам сўзсиз!  
Шу кулгили соғинч эмасми  
Биз юрт ишқи деб атаган ҳис?

Бу бир дард-ку, ахир. У ҳақда  
Вайсамайман одамларга ҳеч.  
Беихтиёр бу жароҳатни  
Яшираман халқдан эрта-кеч.

Уйғотай деб, пасткашлар фақат,  
Юракларда ачиниш ҳиссин,  
Кўз-кўз қилар ватанпарварлик  
Ярасининг йирингли тусин.

Талашишар уялмай обрўй:  
Ҳеч бўлмаса, ташла садақа!—  
Менцел билан швабларининг  
Машҳурлиги ана шунақа!

Тобим йўқроқ бугун, маъбудам,  
Қайфият ҳам сентименталроқ.  
Сал ўзимга қарасам, дарҳол  
Ўтиб кетар ҳаммаси бироқ.

Ҳа, тобим йўқ, лекин ўзгартиш  
Қайфиятни сенга қийинмас.  
Бир стакан иссиқ чой қилиб,  
Ром қўшиб бер — ўткир бўлса бас!»

## XXV

Чой келтирди менга маъбуда  
Ва ром қўшиб узатди, зотан  
Ўзи фақат ичар эди ром,  
Чойни эса олмас эди тан.

У елкамга суялди улкан —  
Бош кийими билан, сузиб кўз,  
(Ғижим бўлди қалпоғи бир оз.)  
Ва бошлади таъна билан сўз:

«Кўп ўйлардим ваҳмага тушиб:  
Тергайдиган одам йўқ асло,  
Ўз билгича яшар енгилтак  
Французлар аро, деб, танҳо.

Унда дўстсан тўғри келганга —  
Бориб, қайга деса ҳар бири.

Кошки сени кузатиб юрса  
Ментор каби немис ношири!

Унда кўпдир енгилтак қизлар,  
Улар гўзал, устомон, илдам.  
Қучоғида, лекин, уларнинг  
Ҳалок бўлур руҳ ҳам, соғлик ҳам.

Қайтиб борма, қолақол бизда,  
Пок ахлоқдир юрт ўғиллари.  
Даврамизда гуллар ҳозир ҳам  
Ул бегуноҳ эрмак гуллари.

Маъқул тушар энди барчаси  
Гарчандки сен таниқли саёқ,  
Ривожимиз зўрдир, кўргайсан  
Тараққиёт изин, синчков боқ!

Цензура ҳам бўшашган. Қари  
Ҳоффманн яқин ўлимин сезиб,  
Бузмагай «Ёўл манзаралари»н  
Аввалгидек шафқатсиз кесиб.

Юмшагансан, улғайдинг бир оз,  
Кўпни кўрдинг дунёда сен ҳам.  
Бошқачароқ рангда илғарсан  
Балки энди ўтмишни бу дам.

Германия кечмишидаги  
Даҳшатларининг бари лоф, туссиз.  
Рим гувоҳдир: ўзини ўлдирмоқ  
Қутилтирар қулликдан сўзсиз.

Эмас эди фикр ҳурлиги  
Ёлғиз олий табақага хос,  
Фақатгина матбуот аҳли  
Қўйилганди, рост, чеклаб холос.

Бизда зулм ҳукм сурмаган,  
Сафсатабоз маккорни фақат  
Қилоларди нишондан маҳрум  
Адолатли судлар бешафқат.

Яшамасди немислар ёмон  
Гарчанд оғир йиллар бўлса ҳам,  
Турмасида немиснинг ҳеч ким  
Оч қолмаган, билгил, бирор дам.

Ўтмишда биз кўрардик тез-тез  
Қобил қалбу юксак эътиқод  
Хислатларин намоёншини,  
Энди эса — ҳаммаси барбод.

Ёт эрklarнинг ўша омилкор  
Ақли билан иш тутиб ҳур, пок —  
Қалбимизни иситиб келган  
Идеални биз этдик ҳалок.

Шеърят ҳам сўнмоқда, унинг  
Ўчиб борар сўнгги нигоҳи.  
Ўзга шоҳлар билан ўлар тез  
Фрейлигратнинг ҳам занжи шоҳи.

Еб-ичару меросхўр, бироқ  
Гўзал эртак қисқа — нақ чақин,  
Тайёрланар янги томоша,  
Идиллия сўнгига яқин!

Эҳ, сир сақлай олсанг эди сен,  
Мен этардим ошкор бор олам —  
Сирларини: тақдир кўрсатган  
Даврларнинг йўлларин бу дам.

Билур эдинг: кўплар тақдирин  
Ва эртага илоҳий қисмат  
Не буюрмиш Германияга,—  
Оғзинг бўш-да, эҳ, афсус, фақат!»

«Сен буюк бахт ваъда қиляпсан  
Маъбудам,— деб мен қичқирдим шод.—  
Германия эртасин кўрсат,  
Сир сақларман уни умрбод!»

Ерми ёки осмонга оид  
Қай онтни ич десанг, мен ичай,  
Бу сиригни қутлуғ сақлай деб.  
Шартларинг айт, барига мен шай!»

Сўнг маъбуда деди: «Қай онтни  
Ичган бўлса қадим ал-Озар  
Хўшлашаркан Иброҳим билан,—  
Уша онтни ичгайсан магар!»

Барим кўтар, кўйлак ичидан  
Қўлинг қўй-да белимга, шу дам  
Бўламан, деб онт ич, камсуқум  
Оғизда ҳам, матбуотда ҳам».

Тантанали лаҳза! Силади —  
Олис кечмиш нафаси юзни,  
Такрорладим қадим оталар  
Онтидаги мерос ҳар сўзни.

Кўйлагини кўтариб, қучгач  
Маъбуданинг белидан, шу дам  
Онт ичдим деб: бўлгум камсуқум  
Оғизда ҳам, матбуотда ҳам.

## XXVI

Қизардики шундай маъбуда  
(Гўёки ром қилгандек таъсир —  
Тожига ҳам), тинглардим уни  
Бўлиб маъюс сасига асир:

«Кексаяпман. Ҳамбург қурилган  
Кун туғилдим. У пайтда, билки,

Эльбагача етганди онам —  
Трескалар шоҳининг мулки.

Шонли отам — Carolus Magnus,  
Афсус, кўпдан яшар нақлда.  
Унга прусс Фридрих ҳам  
Тенг келмасди кучу ақлда.

Аахенда — тантана билан  
У ўлтириб тож кийган курси.  
Аммо, не бахт, онамга тухфа  
Этилмишдир ўзга бириси.

Уша курси мендадир. Гарчанд  
Кўрнишдан гўзалмас, аммо  
Мен Ротшильднинг бор бойлигига  
Бу курсини бермасман асло.

Кўрдингми, у ана — бурчакда,  
Жуда эски: на безак, на ранг.  
Уриндиғи титилиб кетган,  
Куя еган устини, аттанг.

Бироқ унга яқин бориб, сен  
Уриндиғин кўтар, шу замон  
Бўлур сенга юмалоқ тешик  
Остида бир идиш намоён.

У қадимий сеҳрли идиш  
Қайнаб турар мангу низодан.  
Агар суқсанг бошни тешикка,  
Келажакни кўргайсан, зотан

Германия эртаси унда  
Хомхаёлдек кезар жонсарак,  
Қўрқма агар бадбўй рутубат  
Димоғингга урилса андак».

У жим бўлди ғалати кулиб.  
Аmmo мен-чи, тортинмай, азот,  
Шахт ташландим ўша тешикка  
Ва бошимни суқдим шу заҳот.

Нени кўрдим — айтмайман уни,  
Ичганман-ку, ахир, мен қасам!  
Сўзлаш мумкин мен учун фақат  
Ҳид ҳақида, бироқ, ё эгам,—

Кўнглим айнир менинг ҳозир ҳам  
Ёдга тушса бадбўй,— минг лаънат!—  
Сассиқ салат, гўнг омухтаси,—  
Бу ҳам ҳали ибтидо фақат.

Ва баногоҳ! О, бу қандай ҳид!  
Тўкилгандек сассиғи беҳад —  
Оқиндига нақ уюм-уюм  
Ўттиз олти қувурдан ахлат.

Жуда яхши ёдимда бордир  
Комитетда Сен-Жюст айтган гап:  
«Беролмагай гулоб ҳам, мулк ҳам  
Улуғ дардга шифо ила наф».

Лекин шуни айтай, эртанги  
Немиснинг бу бадбўйи чунон  
Сассиқ эди барча бад ҳиддан,  
Қора босди кўзимни шу он.

Мен йиқилдим беҳуш. Кўз очиб  
Ажиб ҳолни илғадим аранг:  
Маъбуданинг кенг тўшига мен  
Бошим қўйиб ётардим гаранг.

Яшнар юзи, ёнар дудоғи,  
Титрар эди баҳайбат бадан.  
Вакхнинг қизи қучганча мени  
Жазавада куйлар эди шан:



«Ҳамбургда қол! Жону танингнинг  
Роҳатин бил, хўп еб-ичиб тўй!  
Мана газак, майи бугуннинг,  
Нечун бизга эртанги бадбўй!

Ёп идишни, бермасин бад ҳид  
Ишқининг тотли аҳдига халал!  
Бирор немис шоирин бундай  
Севган эмас аёл ҳеч маҳал!

Мен севаман, ўпаман сени,  
Даҳонинг, бил, мен учун илҳом.  
Сеҳрловчи шарпалар рақсин  
Кўз олдимга келтирдинг тамом.

Эшитилар менга қоровул  
Бурғусию қўшиқ, ноғора.  
Кел, ўп мени! Ана, тўй: қутлар  
Ошиқларни карнай илк бора.

Зўр отларда келар ноиблар,  
Ҳар бирининг олдида — бир шам.  
Авжга чиқар машъалали рақс,  
Кел, ўпақол мени, ҳамшишам!

Одил, оқил сенат келмоқда —  
Бундай шонли кутиш қайда бор!  
Бургомистр йўталиб, мана,  
Турар қутлов нутқига тайёр.

Дипломатик корпус ҳам келар  
Орденларин қилишиб кўз-кўз.  
Улар бизга қўшни давлатлар  
Ваколоти билан айтар сўз.

Руҳонийлар депутатлари —  
Раввинлару пасторлар йўлда.  
Бироқ, ҳайҳот, Ҳоффманн — цензорнинг,  
Боқ, қайчиси, минг лаънат, қўлда!

Шақиллатиб уни, мана, у  
Ташландию қонсираб, ногоҳ  
Кесиб олди энг зўр жойингни —  
Тирик тандан бир бўлагин, оҳ!»

## XXVII

Мен у туннинг, дўстлар, кейинги  
Тафсилотин, шу эрур ният,  
Сўзлагайман ёз кунларида,  
Келганида лирик кайфият.

Қари фосиқ, разиллар сафи  
Сийраклашар, шукур, кундан-кун.  
Ёлғончилик заҳмидан улар  
Ириб-чириб ўлмоқда бугун.

Озод ақл, озод қалб билан  
Ўсмоқдаки бир янги авлод,  
Мен уларга бўяб-бежамай  
Барча сирни очгайман азот.

Тушунар бу ёшлар шоирнинг  
Саховати ва ғурурини,  
Зеро улар барг ёзар эмиб  
Шоир қалбин жонбахш пурини.

Қалбим ишқда чексиз нур эрур,  
Алангадек эрур мусаффо.  
Ёрқин лирам менинг созланган  
Пок парилар қўлида зеро.

Қадим эллин саҳнаси учун  
Бу лирани яратди отам —  
Аристофан, тенги йўқ устоз,  
Каменага энг суюк одам.

Бу лирада Базиляни  
У бир пайтлар куйлади бедор:  
Пайстетерос чиқди юксакка  
Ул ғўзалга бўлиб суюк ёр.

Достонимнинг сўнги бобида  
Мен «Қушлар»нинг сўнгига гоҳо  
Тақлид қилдим. Бу — отамнинг зўр  
Драмасин зўр қисми зеро.

Гўзал асар «Қурбақалар» ҳам —  
Цензурани четлаб бемалол  
Қўйилмоқда энди Берлинда,  
Вақти хушлик қилсин деб қирол.

Қирол, шаксиз, муҳиб пьесага,  
Антик турмуш қондасига.  
Мойил эди отаси, аммо,  
Янги бақа тоифасига.

Қирол, шаксиз, муҳиб пьесага,  
Тирик бўлса муаллиф аммо,  
Пруссияга шахсан келишни  
Мен маслаҳат бермасдим асло.

Бизда тирик Аристофанга  
Гопардилар зумда қонунни,  
Жандармлар ташларди шаҳар  
Ортидаги турмага уни.

Бериларди авомга рухсат  
Думни қисмай қилишга «ак-ак».  
Полиция оларди буйруқ:  
«Чириб кетсин турмада шаккок!»

Бахт тилайман сенга, о қирол,  
Маслаҳатим, қулоқ ос, оқил!  
Ҳар кўйга сол, майли, марҳумни,  
Лекин тирик шоирдан қўрққил!

Қўлингни торт тирик куйчидан!  
Сўзлари нақ қилич ва олов:  
Улар ўзи яратган Зевс  
Чақинидан, ҳатто беаёв!

Таҳқирлагин Олимпнинг турфа  
Маъбудларин, майли, бешафқат.  
Улуғ Яҳво билан бир бошдан,—  
Таҳқирлама шоирни фақат.

Жазолагай маъбудлар, кимки  
Бу дунёда гуноҳ қилса гар:  
Шайтон дўзах қозонларида  
Олтингугурт қайнатиб кутар.

Бироқ сизин авлиёларга,  
Ҳамёнинг оч каттароқ, шунда  
Черков учун қилган эҳсонинг  
Гуноҳларинг ювгай у кунда.

Қиёматда тушару Исо,  
Жаҳаннамнинг қопқаси қулар,  
Ушанда ҳам худо қаҳридан  
Баъзи қаллоб қочиб қутилар.

Лекин борки ўзга бир дўзах,  
Унга ўтмас ҳеч кимнинг сўзи.  
Фойда бермас илтижо, ёлғон,  
Кечирса ҳам Исонинг ўзи.

Айт, танишми, Данте дўзахи,  
Терциналар — ғазабнок нидо?  
Шоир кимни ҳукм этса, уни  
Қутқаролмас ҳаттоки худо,—

Бу оловтил бандларга фармон  
Беролмагай оламда ҳеч зот.  
Бас, сақлангил! Йўқса, отгаймиз —  
Шу оловга биз сени азот.

## ИЗОҲЛАР

«Германия. Қиш эртаги» достони Ҳейненинг ўн уч йиллик муҳожирликдан сўнг ватанига қилган саёҳати билан боғлиқ. 1843 йилнинг 21 октябрида Ҳейне Парижни тарк этиб, Брюссель, Амстердам ва Берлин орқали 29 октябрда Ҳамбургга кириб келади. Ҳамбургда у онаси ва қариндошлари билан дийдор кўришади. 7 декабрда Ҳейне Ҳамбургдан чиқиб, Аахен, Кёльн, Мюльхейм, Унна, Тевтобург ўрмони, Падерборн, Минден, Бюкебург, Ҳанновер ва Ҳарбург орқали Парижга йўл олади. Достонда айни мана шу қайтиш маршрути тасвирланади. Бироқ шоир бу маршрутни Париждан Ҳамбургга бориш йўли тарзида талқин қилади.

Ҳейне сиёсий шеърятининг чўққиси бўлмиш бу дoston XIX аср шаҳон шеърятидаги энг буюк намуналаридан ҳисобланади. Унинг рус тилида 19 таржимаси мавжуд.

15-бет. Антей — қадим юнон мифологиясидаги Ер ўғли, оёғи ердан узилгандагина уни енгиш мумкин бўлган.

16-бет. Ҳоффманн фон Фаллерслебен — Ҳейненинг замондоши, сиёсий шеърлар муаллифи. Прусс божхоналар уюшмаси — ўттиз олти мустақил майда давлатга парчаланиб кетган Германия учун ягона миллий бозор вужудга келишига хизмат қилган бирлашма. У туфайли Германияда иқтисодий гегемонликни Пруссия қўлга киритишга муваффақ бўлган.

17-бет. Аахен — Рейн вилоятидаги шаҳар, Буюк Карлнинг резиденцияси. Урта асрларда герман императорлари шу ерда тож кийганлар. Буюк Карл — Ҳейне Carolus Magnus ва Карл Мейерни (шваб мактабининг ўртамиёна шоирини) таққослаб, лотинча сўз ўйини қилади: Magnus — улкан, Maueg (maior) — улканроқ. Теодор Кёрнер (1791—1813) — шоир, Наполеонга қарши озодлик кураши қатнашчиси.

18-бет. «Сен» ва «У» — то XIX аср бошларига қадар «у» олмоши немис тилида юқори табақа кишиларининг қуйи табақадагиларга мурожаати шаклида қўлланилган. Мўйловлар ҳам...—1713 йилдан то XIX аср бошларигача устав талабларига кўра прусс армиясининг аскар ва офицерлари кокил қўйишга мажбур эдилар. Суворийлар уст-боши..—Прусс қироли Фридрих Вилҳелм IV 40-йилларнинг бошларида суворийлар учун ўрта аср рицарлари ҳарбий либосларининг декоратив томонларини ўзида мужассамлаштирган уст-боштаъсис этган. Йоханна де Монфокон — Реакцион ёзув-

чи Август Коцебунинг (1761—1819) ўрта асрлар ҳаётидан ёзилган шу номдаги драмасининг қаҳрамони. **Фуке, Уланд, Тик** — немис романтиқлари.

19- бет. ...қора қуш — Пруссия гербидаги бир бошли бургут. ...**Эркин Рейн ўқчиларига**... — Прусс гербининг айни мана шу Рейн ўқчилари томонидан нишонга олиниши қадимий анъанага муҳим сиёсий тус беради; француз революцияси руҳи билан суғорилган Рейн вилоятлари реакция прусс режимига қарши эди.

20- бет. **Ульрих фон Хуттен** (1488—1523) — немис гуманисти.

22- бет. **Sankt Lamberti** — Мюнстердаги муқаддас Ламберти минораси.

23- бет. **Николас Беккер** (1819—1845) — Рейн ҳақидаги шовинистик қўшиқ муаллифи.

24- бет. **Альфред де Мюссе** (1810—1857) — машҳур француз шоири.

25- бет. **Эрнест Хенгстенберг** (1802—1869) — берлинлик теолог. **Никколо Паганини** (1782—1840) — машҳур италян композитори. **Георг Харрис** (1780—1838) — немис ёзувчиси, Паганини ҳақидаги китоб муаллифи, Паганини концертларининг ташкилотчиси. **Spiritus familiaris** — уй маъбуди.

29- бет. **Бармоғимни тез-тез ботириб...** **Қизил қонга...** — Урта асрлар Германиясида шафқатсиз давлатмандларга нисбатан ижтимоий қасосни амалга оширувчи «Фема суди» деган яширин ташкилот мавжуд бўлган. Қасосга лойиқ деб топилган кимсанинг уйига қизил ранг билан хоч тасвири чизилган.

33- бет. **Император ердан кўпди ҳам...** — Ҳейне Наполеон хокининг 1840 йили Авлиё Елена оролидан Парижга келтириб кўмилиши маросимида ишора қилмоқда.

33- бет. **Vive l'Empereur!** (французча) — Яшасин император!

36- бет. **Тевтобург урмони.** — Бу ерда IX асрда херусklar сардори Арминий (Херманн) раҳбарлигида герман қабилаларининг бирлашган қўшини Рим ноиб Вар легионларини мағлубиятга учратган. **Корнелий Тацит** — римлик тарихчи (54—120). **Веста** — Қадимий Рим маъбудаси. **Квирит** — Римнинг тўла ҳуқуқли граждани. **Харуспекс** — римлик қоҳин, маъбудлар иродасини ҳайвонлар ичак-чавоғи орқали башорат қилган. **Август Неандр** (1789—1850) — берлинлик теология профессори. **Авгур** — қушлар парвозига қараб ром очувчи римлик қоҳин. **Шарлотта Бирх-Пфейфер** (1800—1868) — актриса, сентименталь пьесалар автори.

37-бет. Фридрих Раумер (1781—1873)— немис тарихчиси. Дагал-гадо Ян ота...— Фридрих Людвиг Ян (1778—1852)— немис гимнастлари уюшмасининг асосчиси, у 1838 йили уйн ёниб кетгач, ўз фойдасига маблағ йиғишни уюштиргани учун гадо лақабини олган. Нерон (37—68)— золимлиги билан ном чиқарган Рим императори; файласуф Сенекага ўз-ўзини ўлдиришни буюрган. Шеллинг (1775—1854)— немис файласуфи. Петер Корнелиус (1783—1867)— немис рассоми. «*Sacatum non est pictum!*» (лотинча)— булғаш — тасвирлаш эмас, деган маънода. Asinus (лотинча)— эшак.

40-бет. Густав Кольб (1798—1865)— Аугсбургда чиқадиган «Умум газетаси»нинг редактори. Сизиф — Қоринф шоҳи (юнон мифологиясидан), маъбудлар иродаси билан у улкан тошни юксак тоққа юмалатиб чиқаверади, тош эса пастга қулайверади... Данай қизлари (юнон мифологиясидан)— маъбудлар томонидан ўз эрларини ўлдирганликлари туфайли тубсиз бочкани тўлдириш учун абадий сув ташишга ҳукм қилинган шоҳ Данайнинг қизлари.

41-бет. «О сен, қуёш, қаҳрли шарор!» — Ёвуз киши қўлида ҳалок бўлган Оттилия деган қиз ҳақидаги халқ қўшиғи. Афсонага кўра бу ёвуз қилмишни кейинчалик қуёш фош этади.

43-бет. Ротбарт (Қизил соқол; немисча)— император Фридрих Барбароссанинг (1123—1190) лақаби.

45-бет. «Уч суворий чиқар қопқадан...» — халқ қўшиғидан.

47-бет. «*Chi va piano, va sano*» — секин юрсанг, узоққа борасан, деган маънони англатувчи итальян халқ мақоли.

48-бет. Моисей Мендельсон (1729—1786)— немис маърифатпарвари. Анна Луиза Каршин (1722—1793)— немис шоираси. Мария-Жанна Дюбарри (1743—1793)— француз қироли Людовик XV нинг жазмани.

53-бет. *Faubourg-Poissoniere* — Ҳейненнинг Париждаги адреси (1841—1846).

54-бет. Жорж-Жак Дантон (1759—1794)— Улуф француз революциясининг йирик арбоби, Робеспьер томонидан қатл этилган. Дўстлари Дантонни хавфдан огоҳлантириб, қочишга ундаганларида у, Ватанни пой-афзал пошналарида ўзинг билан олиб кетиш мумкин эмас, деб рад жавоби берган.

55-бет. Эрнст-Август (1792—1851)— Кемберленд герцоги, 1837 йилдан бошлаб Ҳанновер қироли.

58-бет. Ярми ёнган шаҳаримизни...—1842 йилнинг

май ойида рўй берган Ҳамбург ёнғини назарда тутилмоқда. Дрекваль — Ҳамбургдаги кўча.

60-бет. ...Тухум қўйган ўша қув какку...— Прусс герби — бир бошли бургутга ишора, уни кўпинча ана шу кинояли ном билан атаганлар.

61-бет. Гудель кампир — ҳамбурглик хоним. Қоғоз-фуруш дўстим...— ҳамбурглик савдогар Эдуард Михаэлис. Бибер суғурта жамиятининг ёнғиндан сўнг синганига ишора. Учратганда кекса цензорни...— Ҳамбургда 1822—1848 йиллар цензорлик қилган Фридрих Людвиг Хоффманн назарда тутилган. Гумпелино — ҳамбурглик банкир Лазарь Гумпель.

62-бет. Саррас — Кампенинг лайчаси. Янги жоме — янгилар учун...—1816 йилдан бошлаб Ҳамбургда янги калисо ишга тушган эди. Унда ибодат немис тилида олиб бориларди.

63-бет. Шофпье — ҳамбурглик врач. Франсуа Вилле (1811—1896)— ҳамбурглик ёзувчи ва журналист. Фридрих Август Фукс (1812—1856)— ҳамбурглик педагог. Антонио Канова (1757—1822)— итальян ҳайкалта-роши, классик.

64-бет. Дрейбан — Ҳамбургнинг фоҳишалар жойлашган кўчаси.

66-бет. Ҳаммония — Ҳамбургнинг лотинча номи, дostonда у Ҳамбург шаҳри маъбудаси сифатида талқин қилинади.

66-бет. Мессияни куйлаган шоир — «Месснада» номли диний-мистик дostonнинг муаллифи, йирик немис классик шоири Фридрих Клопшток (1724—1803).

68-бет. Даммтор — шоирнинг онаси Бетти Ҳейне яшаган жой. Лотхен — Ҳейненинг синглиси. Кекса жаноб — шоирнинг амакиси, ҳамбурглик банкир Соломон Ҳейне.

71-бет. Фрейлигратнинг ҳам занжи шоҳи...— Фердинанд Фрейлигратнинг «Занжилар сардори» шеъри назарда тутилмоқда.

73-бет. Carolus Magnus (лотинча)— Буюк Карл; нақл қилишларича, у IX асрда Эльба бўйида қалъа қурдириб, Ҳамбург шаҳрига асос солган.

74-бет. Луи-Антуан Сен-Жюст (1767—1794)— Улуғ француз революциясининг йирик арбобларидан.

76-бет. Камена — Қадимий Римда илҳом париси шундай номланган. Базиля, Пайстетерос — Аристофаннын «Қушлар» (эрамизгача 414 йил) комедиясининг қаҳрамонлари.

77-бет. «Қурбақалар» (эрамизгача 405 йил)— Аристофаннын бошқа бир комедияси.

78-бет. Терцина — ҳар банди уч сатрли шеърий шакл. Дантенин «Илоҳий Комедия»си шу шаклда ёзилган.